

MILLIY ARMIYAMIZ YANGI O'ZBEKISTONNING MUSTAHKAM QALQONIDIR!

# VATANPARVAR

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ● 20-iyul 20-yanvar, №3 (3014)



**BIZ**  
HAQIMIZDA

IJTIMOIY-SIYOSIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, HARBIY, VATANPARVARLIK GAZETASI

@vatanparvar-bt@umail.uz  
t.me/mv\_vatanparvar\_uz  
t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi  
instagram.com/mudofaavazirligi  
youtube.com/c/uzarmiya

VATAN HIMYOASI



YO'LIDAGI  
MARDLIK  
7

DAVLAT LASHKAR-U FUQAROLARNING SADOQATI VA FIDOVYLIGI ILA QUADRATLIDIR



TUG'NING  
KO'TARILISHI HAMDA  
ASKLAR BOSHI  
UZRA ILDAMLAB  
BORISHI OO'SHINING  
RUHINI KO'TARGAN VA  
VATANPARVARLIK HISSINI  
KUCHAYTIRGAN.

MARKAZIY  
HOKIMIYAT RAMZI  
BO'LGAN BAYROO –  
ODATDA BUTUN JANG  
MAYDONIDA KO'ZGA  
YAQQOL TASHLANIB  
TURADIGAN TEPLIKDAGI  
QARORGOGCHA  
O'RNATILGAN.

CHORI AWAZ



CHIROG'I  
14



18 "DUNYONING

ENG YAXSHI DZYUDODOCHISI" KIM BO'LADI?

# «АМИР ТЕМУР ЖАНГОВАР БАЙРОГИ»

2023 йил 13 январь куни Президент администрациясида юксак давлат мукофотлар олган бир гурух ҳарбий хизматчиларни тақдирлаш маросими бўлди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмандони Шавкат Мирзиёев барча ҳарбий хизматчиларни ва соҳа фахрийларини мазкур шонли сана билан табриклаб, шундай деди: «Мамлакатнинг ҳарбий салоҳияти замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан бирга ботир аскар ва офицерлар билан, уларнинг жисмоний ва маънавий тайёргарлиги билан белгиланади. Шу маънода, миллий армиямизнинг чинакам құдрати бу аввало сизлар ўз ҳаётини Вatan ҳимоясидек мүқаддас ишга бағишилаган жонкуяр ва фидойи инсонлардир».

Маросимда давлат раҳбари ҳарбий унвон тўғрисидаги гувоҳномаларни, орден ва медалларни тантанали равишда топширди. Вatan ҳимоячиларига мустаҳкам соғлиқ, азму шижаот, масъулиятли хизматида муваффақиятлар тилади. Армия тизимида «Амир Темур жанговар байроғи» мукофоти таъсис этилди ва бу борада ўтказилган танловда Марказий ҳарбий округ ғолиб бўлди. Маросимда ушбу округ қўмандонига илк бор «Амир Темур жанговар байроғи» тантанали равишда топширилди. Хўш, буюк саркарда, бобоколонимиз Амир Темур байроғи ҳақида нималарни биламиш? Тарихий манбаларда бу ҳақда нималар ёзилган?

Амир Темур байроғи узун ёғоч тепасига ўрнатилган моҳча – Амир Темур герби ва катта зангори матодан иборат бўлган. Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Темурнинг гербida учта доира тасвиirlangani ҳақида хабар беради. Миниатюраларни ўрганиш ва замондошларининг маълумотлари асосида Амир Темур ва унинг ворисларининг герби олтин нурлар сочаётган қуёш байроғида тасвиirlangan шер кўринишида бўлганлиги аниқланган. Бу герб Самарқанддаги Регистон ҳудудида Шердор мадрасаси пештоқини безашда ишлатилган. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома» («Шарафнома шохий») асарида жанг тасвирида шундай таъриф келтирилган: «Жаҳон кезувчи осмон аждархоси байроқ аждархосининг хавфидан саросима ва саргардонликка тушди. Ҳайбатли фалак шери тут шерининг вахимасидан ўзини чархнинг никобига тортди».

Классик шеъриятда ва умуман ўрта аср Шарқ адабиётида Миррих (Марс) сайдераси осмон (фалак) аждархоси ёки шери деб аталган. Байроқ шери ва аждархоси – ўрта аср Шарқ қўшинининг байроғига туширилган тасвиirlariga ишора. Асаддаги «аждархо сурат байроқ», «аждархо шавкатли байроқ»лар хусусида бир неча маротаба эслаб ўтилади.



Байроқ номи манбаларда, тут, алам, байдак, байрак шаклида учрайди. Байроқ давлат рамзи сифатида эъзозланган ва каттиқ қўриқланган. Чунки байроқ жанг майдонида ҳам мухим роль ўйнаган. Жанг майдонида тут байроқларнинг аҳамияти катта бўлиб, у қўшиннинг ўз саркардалари жойлашуви, мэрраларнинг эгалланганлиги (ёки аксинча), ўз сафдошларини ажратади олиши ва чекиниши аломатларини англаб олишига ёрдамлашган. Бундан ташқари, тутнинг қўтарилиши ҳамда аскарлар боши узра илдамлаб бориши қўшиннинг руҳини кўтарган ва ватанпарварлик ҳиссini кучайтирган.

Қанғ давлати даврида ҳарбий қўшинда дастлаб икки гуруҳда байроқ ҳаракатланган бўлса, Қорахонийлар даврига келиб 9 та гурух байроғи жанг майдонида ғалаба сари интилган. Амир Темур даврида эса худди шахмат доналари сингари ўн икки бўлинмада ўн икки хил рангда жойлаштирилган. Уларни турли рангдаги байроқлари, қурол-яроғ, кийим-кечаги ҳам турлича бўлган. Масалан, биринчи гурух асосан қизил рангдаги матоли байроқ кўтарган. Иккинчи гурухнинг ранги оқ, тўртинчи гурухнинг ранги бинафша, бешинчи гурухнинг эса сариқ ва ҳакозолар.

Марказий ҳокимият рамзи бўлган байроқ – одатда бутун жанг майдонида кўзга яққол ташланиб турадиган тепаликдаги қароргоҳга ўрнатилган. Бу байроқ лашкарбоши қўл остида бўлган ва бу барча жангчиларга кўриниб турган. Ҳар бир бўлинмани ўз ранги бўлган ва бу лашкарбошига унинг буйруқлари қандай бажарилаетгани ҳамда жангнинг боришини кузатиб турish имконини берган.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, «Маълумки, Амир Темур бобомиз биронта жангда енгилмаган, Соҳибқироннинг байроғи ҳамиша баланд ҳилпираб турган. У бугунги авлодлар учун қатъият, ҳарбий маҳорат, ғурур ва ифтихор тимсолидир».

**Шерали Қўлдашев,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Шарқшунослик институти  
катта илмий ходими,  
тарих фанлари номзоди, доцент

## «АМИР ТЕМУР ЖАНГОВАР БАЙРОГИ УЧУН» МУСОБАҚАСИ ҲАҚИДА

### 5 ФАКТ

1 Амир Темур салтанатида байроқ мамлакат рамзи, улуғворлик тимсолини ифодалаган. Жанг майдони узра байроқнинг мағрут ҳилпираб бориши жангчиларга чексиз руҳ ва қайфият баҳш этган. Қадим тарихимизнинг қаҳрамонлари байроқни чин маънода озодлик, куч-құдрат, жасорат, ғалаба сифатида қадрлаб келган.

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 ноябрдаги қарорига асосан, Мудофаа вазири қўшинларида ҳар икки йилда бир маротаба «Амир Темур жанговар байроғи учун» мусобақаси ўтказилиши белгиланган.

3 Мусобақа икки босқичда ўтказилиб, биринчи босқич қўйидагича тавсифланади:  
Жанговар-хизмат фаолият: қўриқ-тандов; спорт мусобақалари; беллашувлар;  
Профессионал тайёргарлик: ўқув ва машқлар; инспекторлик синовлари; назорат (якуний) синовлари;  
Ахлоқий-руҳий тайёргарлик: ҳарбий интизом ҳолати; ҳуқук-тартибот бўйича маълумотлар.

4 Мусобақанинг иккинчи (якуний) босқичи Мудофаа вазиригининг махсус комиссияси томонидан йил давомида турли ҳалқаро ва республика миқёсидаги мусобақа ҳамда қўриқ-тандовлар натижалари сарҳисоб қилинади. Шу билан бирга ҳарбий округлар (бирлашмалар) жамоалари билан миллий спорт турлари ва миллий қадриятлар йўналишида мусобақалар ўтказилади.

5 Мусобақада 1-ўринни эгаллаган ҳарбий округ ғолиб деб ҳисобланади ва «Амир Темур жанговар байроғи», I даражали диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланади.

# ЖАНГЧИ



## ЮРАГИДАГИ ҲИС

Қанчалик эриш туюлмасин, жасорат туйғусини юзага чиқишида ватанпарварлик тушунчасининг назарий ва амалий роли ниҳоятда катта. Давлат ва жамият нечоғликтараққий этмасин, ушбу туйғуларни кишилик вужудига сингдириш йўлида такрор ва такрор ислоҳотлар амалга оширилавади.



Америка сиёсий фалсафаси ва ахлоқшунослигининг атоқли вакили А.Ч. Макнитайр ўзининг «Ватанпарварлик фазилатми?» мақоласида бу тушунчани маълум умуминсоний қадриятлар ва тамойиллар билан тақослаб, ҳар бир инсон ўз она Ватанида умумэтироф этилган ахлоқий меъёр ва тамойилларнигина англайди ва ўзлаштира олади, деган хуносага келган эди. Яна бир Фарб тадқиқотчиси Эндрю Мейсон: «Фуқаро бўлиш содик ватандошлар олдида бурч ва мажбуриятларни ўз зиммасига олиш ҳамда бажариш демакдир», деба фикр билдиради.

Умуман олганда, бу тушунча ҳар бир давлат ва жамият маънавий қиёфасининг мухим бир бўлғи бўлиб келган. Халқлар ватанпарварлик тушунчасини ўз луғат ва тилларида турлича талқин этади. Бу уларнинг ижтимоий келиб чиқиши ва этник тарихи билан ҳам бевосита боғлиқидир.

Масалан, «Педагогик энциклопедия»да: «Ватанга муҳаббат, унинг манфаатлари ҳақида қайгуриш ва уни душманлардан ҳимоя қилишига тайёрлик туйғусини ифодаловчи ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий тамоийил. Ватанпарварлик ўз Ватанининг ютуқларидан ғурурланиш, унинг муваффақиятсизликлари ва баҳтсизликларидан қайгуриш, ўз халқининг тарихий ўтмишини хурмат қилиш

халқ хотираси, миллий ва маданий анъаналарига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишда намоён бўлади», деба келтириб ўтилади.

Шунингдек, «Сиёсатшунослик: энциклопедик луғат»да: «Ватанга хизмат қилишга ва уни душманлардан ҳимоя қилишга тайёрликда ифодаланган ҳиссий муносабатдир», деба изохланса, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да эса бу атамага: «Ватанпарварларга хос иш, ҳатти-ҳаракат, хислат», деба таъриф берилади.

Ушбу фикрларни умумлаштирасак, ватанпарварлик – кишиларнинг туғилиб ўсан ерига муҳаббати ва садоқатини ифодалайдиган кенг қамровли тушунча. Ватанпарварлик маънавий, ахлоқий ва ижтимоий-маданий таркибий қисмларга асосланган шахснинг ижобий ҳусусиятларининг бутун мажмуасини шакллантириш ва ривожлантиришни назарда тутади.

### ЭПИК АСАР ҚАҲРАМОНЛАРИДА ВАТАНПАРВАРЛИК

Эпик асар қаҳрамонларига хос бўлган мухим хислатлардан бири уларнинг ўз Ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий масалалар, ўзлари яшаётган ҳудуднинг дахлизлиги ва мустақиллиги йўлидаги курашларда кўринади.

Достонларнинг тарбиявий-мағкуравий жиҳати, айниқса, жанг саҳналарида қўзга ташланади. Чунки эпик қаҳрамон маънавий жасорати мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиш техникасида очилиб боради. Биз ўқиган кўплаб асар ёки фильмлардаги қаҳрамонлар ўзларининг жанг саънатини намоён қилиши, қийин вазиятларда жасорат кўрсата олиши, ёвуз кимсаларни йўқ қилиши каби фазилатлари билан хотирамизда ўрнашиб қолади. Чунки мураккаб вазиятлардагина жангчиларга хос бўлган ватанпарварлик туйғулари юзага чиқади.

Эътибор қаратсак, ҳатто энг моҳир жангчилар ҳам ўзидағи қўрқув ва ғашлини юксак ва шарафли вазифани адо этаётгани билан арита олади. Улар танлаган ҳаёт ва ўлим орасидаги йўл шунчалар улуғи, икки дунёда ҳам уларнинг номини шон-шарафга буркайди.

Қўйидаги жанг олди қаҳрамонларнинг ўз-ўзига бераётган далда ва тасаллиларини ўқир экансиз, бунга ич-ичингиздан гувоҳ бўласиз:

«Асло ваҳми-тарс қўнгилга келтирманг, майдонда душман билан савашиб, талашиб ўлсак, бизларга қандай ғанимат. Охири одам бор, ўлим бор. Бир кун бўлмоқ, бир кун ўлмоқ. Иймони билан ўлган ўлмайди. Иймонли қул ўлмайди деган. Эй йигитлар, асло ғам еманглар, ўламан деб войим қилманг».

Жасорат ва жанг мотиви шубҳасиз ҳар қандай достоннинг кульминацион нуқталарини ташкил этади. Чунки аёвсиз жангларда қаҳрамонларнинг ички дунёси, жанговар салоҳияти, ватанпарварлиги бор бўй-басти билан юзага чиқади. Жангда бosh қаҳрамон қўшинга илҳом бағишлайди, намуна кўрсатади, аскарларнинг психологијасини мувозанатга солиб тутади.

Халқининг қаҳрамонлик тарихи, турмуши, одатлари, буюк жасоратлари ҳақида ёзилган асарлар ёш авлодда ўз қаҳрамонлари билан фахрланиш, уларга ўхшашга ҳаракат қилиш, жасоратли бўлиш истагини юзага чиқаришда мухим роль ўйнайди.

Бу ҳақда «Қутадғу билик» асарида алоҳида тўхталинар экан, саркарда доим қўшинга илҳом бағишлай олиши, унинг ҳар бир ҳаракати, ҳарбий аслажалари ва таъминоти,

ҳатто минганд тулпори ҳам унинг мартабасига лойик бўлиши кераклиги таъкидланади. Чунки унинг ортида бутун қўшин, ҳар бир жангчига намуна бўла олиш масъулияти туради.

Албатта, ёшлар ўз қаҳрамонларига ўхшашни хоҳлайди, ундан ибрат олиш, у каби бўлишни орзу килади. Тарихий-бадиий адабиётнинг тарбиявий аҳамияти ҳам ана шундадир.

Ушбу асарда ёвга қарши отланган аскарбоши душманни синдирувчи, мағлуб этувчи кишиларни ўзига яқин тутиши кераклигига алоҳида ургу берилади. Зоро, жангнинг қандай яқунланиши айнан қаҳрамон, мард аскарларнинг саъӣ-ҳаракатига боғлик. Юруш чоғида илғор қисм (язак) ва айғоқчи гурӯҳ (тутғак) таркиби сара, тажрибали жангчилардан танланиши, айғоқчилар келтирган маълумот асосида илғор қисм ғанимга зарба бериши, қўшиннинг бош кучлари соқчи отлик қисм (йўртүғ) билан эҳтиёт қилиниши, аскарий сафлар бир-биридан узоқлашиб кетмаслиги, лашкаргоҳ (тушун) танлашга алоҳида эътибор қаратилиши, у соқчи отликлар гурӯҳи билан эҳтиёт қилиниши, хушёрикни қўлдан бермаслик, ғафлатда қолмаслик сингари вазифалар белгиланган.

### ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ВА ЖАНГЧИ ҲАЁТИ

Адабиёт ва санъатнинг ҳар қандай тури сингари халқ достонлари ҳам кучли ғоявий-бадиий мазмунга эга бўлиб, миллатнинг кўп асрлик тарихий тараққиётининг ўзига хос шароитлари, миллий характер, анъана ва эътиқодларни очиб беришда мухим аҳамиятга эга. Аввало халқ достонлари ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий фазилатларини шакллантиришга, ватанпарварлик, мардлик, жанговар бирордарлик қоидаларига содик бўлишга, жанг майдонларини ташлаб қочмасликка, ҳарбий бурчига ҳаётининг сўнгигига қадар содик қолишга ўргатади.

Демак, достонда акс этган бу каби фазилатлар, ҳарбий-ватанпарварлик тамойилларини ҳарбий хизматчиларга сингдиришда қўйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Биринчидан, жангнома достонлар ҳарбий хизматчиди Ватан ҳимояси учун зарур бўлган ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларнинг юксак маънавий жасоратини ўзларига сингдириш вазифаларини амалга оширади.

Иккинчидан, қаҳрамонлик ва жангнома достонлари ёшлар онгига ҳарбий хизматнинг ижтимоий аҳамиятини мустаҳкамлайди, Куролли Кучларимизга муҳаббат, маънавий-руҳий иммунитетни оширишга хизмат қиласди.

Учинчидан, халқ эпослари қаҳрамонларининг олий мақсади Ватан озодлиги ва фаровонлигини яқдил сақлаш, бу йўлда ҳар қандай душман билан яккама-якка курашишга шайлик нормаларига асосланганини инобатга олсак, ҳарбий хизматчиларнинг экстремал шароитларда ҳам руҳий барқарорлигини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

**Катта лейтенант  
Бобур ЭЛМУРОДОВ,  
«Vatanparvar»**

# ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБАЙЖОН: ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ МУНОСАБАТЛАР

Бугунги кунда Ўзбекистон қардош туркийзабон мамлакатлар Қуролли Кучлари билан мудофаа соҳасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб бормоқда. Хусусан, юртимиздаги нуфузли олий ҳарбий таълим муассасаларида қардош мамлакат ҳарбийларини ўқитиш борасида ҳам бир қанча ишларнинг йўлга қўйилгани фикримиз далилидир.



Мазкур ҳамкорликлар доирасида Озарбайжон Республикаси Мудофаа вазирлиги Миллий мудофаа университети раҳбари генерал-лейтенант Гейдар Периев бошчилигидаги ҳарбий

делегация юртимизга ташриф буюриб, Қуролли Кучлар академиясида бўлди.

Дастлаб делегация вакиллари академия инфратузилмаси, таълим жараёни ва ўқув-моддий базалари билан яқин-

дан танишди. Мехмонлар минтақанинг етакчи олий ҳарбий таълим муассасасида курсантлар касбий профессионал маҳоратини такомиллаштиришга қаратилган моддий база, улар учун

яратилган замонавий шарт-шароитларни алоҳида эътироф этди.

Ташриф давомида қардош халқларнинг бирдамлиги, икки давлат мудофаа идоралари томонидан ҳамкорликда олиб борилаётган ҳарбий таълим масалаларининг жорий холати ҳамда истиқболлари юзасидан ўзаро фикр алмашиди.

Шу куннинг ўзида меҳмонлар Тошкент шаҳридаги озар халқининг умуммиллий етакчиси, Озарбайжон Республикасининг учинчи Президенти Ҳайдар Алиев барельефи пойига гул қўйди, шунингдек, «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ва «Шон-шараф» давлат музейига экскурсия ўюштириди.

**Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,  
«Vatanparvar»**

✓ EL BOSHIGA ISH TUSHSA...

## ХАЛҚ ВА АРМИЯ – БИР ТАНУ БИР ЖОН

Ҳаво ҳароратининг кескин тушиб кетиши муносабати билан Мудофаа вазирлиги томонидан юртимизда ҳарбий дала ошхоналари фаолияти йўлга қўйилди.

Республиканинг туман ҳокимлеклари билан ҳамкорликда ташкил этилган ҳарбий дала ошхонасида фуқароларга иссиқ чой ва егуликлар тақлиф этилмоқда. Шунингдек, уларнинг вақтни мазмунли ўтказишлари учун китоблар, кўнгилочар воситаляр, шахмат-шашка ўйинлари ҳам хозирланган.

– Ўйимизда газ босимининг пастлиги ва электр тармоғидаги узилишлар иссиқ овқат тайёрлашга тўсқинлик қилмоқда. Xоналар анча совуб кетди. Совуқ ҳавода кўп қаватли иморатлар ичидан бирор нарса қилишнинг имкони йўқ, – дейди Яшнобод тумани Ширинбод маҳалласида яшовчи Людмила Губанова. – Ўйда қизим билан ёлғиз турамиз. Маҳалладан бизни иссиқ овқат ва тураржойлар борлигини айтиб тақлиф қилишди. Келсан ҳарбийлар томонидан дала ошхонаси ташкиллаштирилган экан. Палатканинг ичидан барча шароитлар яратилган. Маҳалладаги ёхтиёжи бўлган барчани шириналик, иссиқ овқат билан сийлашмоқда. Бир кун олдин катта қозонда ош тарқатган эди. Буғун эса каша, гречка ва шириналар тарқатилмоқда. Бундай енгилликларни яратиб бераётган Мудофаа вазирлиги ва ҳокимлик ташкилотчиларига миннадорлигимни билдираман.

Бу каби ҳарбий дала ошхоналари юртимизнинг барча гўшаларида ташкиллаштирилди. Яшнобод туманинг Жарбоши маҳалласида ҳам



450 кишилик дошқозонда иссиқ овқат тайёрланди. Палаткалар ўрнатилиб, ичкарида шашка-шахмат, кўчма кутубхоналар ва спортнинг армрестлинг турига мўлжалланган ускуналар ҳам ўрнатилди. Ҳарбий хизматчилар ва аҳоли ўтасида мусобақа тарзида ўтган тадбир барчанинг кўнглини кўтарди.

– Ҳарбий хизматчиларнинг халқимиз бошига оғир кунлар тушганда доим ёрдамга шай турғанлигини кўп бора гувоҳи бўлғанмиз. «Сардоба» тошқини, пандемия ва бу йилги қишининг қаҳратонида улар халқ билан елкадош, – дейди «Жарбоши» маҳал-

ла фуқаролар йигини раиси Қуратилла Серекбаев. – Газ ва электр энергиясида бўлаётган кўп узилишлар аҳоли орасида қийинчилик ва ноқулайликлар туғдирди. Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари доим халқ билан эканлигини яна бир бор исботлади. Ҳарбий дала ошхонасини


ташкил этиб, маҳалласиз аҳолисини иссиқ овқат ва шириналар билан сийлашиди. Юртимиз посбонлари бу билан кифояланиб қолмаяпти. Ёлғиз қариялар, ёш болали оиласалар, ногиронлиги бор хонадонлардан хабар олиб, уларга ҳам керакли кўмак берилди. Иссиқ овқат билан бирга печларида ёкиш учун ўтин ҳам олиб бориб берилди. Бундай хайрли ишларда, албатта, халқ ва армия – бир тану бир жонлиги кишига фарҳутйусини беради.

**Шерзод ШАРИПОВ,  
«Vatanparvar»**

Хизмат сафарларида хорижий тилда эркин сўзлашаётган ҳарбий хизматчиларни кўрсам, ҳавасим келарди. Шу қадар масъулиятли вазифалардан ортиб, тил ўрганишга улгурганига ҳайрон қолардим. Кейин билсам, уларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури тайёrlаш марказининг интенсив курсларида таҳсил олган экан.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида мазкур марказ янги биносининг тантанали очилиш молосими бўлиб ўtdи. Унда мудофаа вазирининг биринчи ўринbosари – Куролли Кучлар Бош штаби бошлиғи генерал-майор Шухрат Халмухамедов, хорижий мамлакатлар элчиҳоналарининг ҳарбий атташелари, Куролли Кучлар фахрийлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

# ЗАМОНАВИЙ, КЎРКАМ МАЖМУА



**QUVONCHLI KUN**



## ЯНГИ ХОНАДОНЛАР МУБОРАК!

**Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Тошкент ҳарбий округи тасарруфидаги ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари учун янги хонадонлар қурилиб, ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.**

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган тадбирда округ қўмондонининг ўринbosари полковник Баҳтиёр Ўралбоев, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда ҳарбий хизматчилар ҳамда оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясига етарлича эътибор қаратилиётганини таъкидлаб, тинчлигимиз посбонларига янги хонадонлар калитларини топширдилар.

Замонавий лойиҳалар асосида қурилган уйлар шинам ва барча қулайликларга эга. Меҳмонхона, ошхона ва бошқа ёрдамчи хоналар замон талабларига мос тарзда жиҳозланган. Шу куни 60 нафар ҳарбий хизматчи ўз оиласи билан янги хонадонларга кўчиб ўтди. Ҳарбий оркестр ижросидаги шодон куй-қўшиқлар барчага байрамона кайфият улашди.

**Тошкент ҳарбий округи  
матбуот хизмати**



# «ХАММА ТАНИЙДИГАН» ТАНКЧИ

Қуролли Кучлар ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг фармонига кўра, мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, профессионал миллий армияни шакллантириш, халқимиз осойишталигини сақлаш, шарафли ва муқаддас бурчини бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатган бир гурӯҳ ҳарбий хизматчилар қаторида майор Мухриддин Ҳошимов ҳам давлатимизнинг юксак мукофоти «Содик хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

Бир жумлада ифода қилинган ушбу натижанинг замирида қанчалар мушакқатли меҳнат, сабр-тоқат ва иродга ётганини ҳар ким ўзича тасаввур қила олиши табиий. Бунга қадар ҳам қаҳрамонимиз турли мусобақаларда ғолиблик гаштини суруб, изчил ҳаракатларининг самарасини тотган. Унинг муваффақиятлари билан қисқача танишириб ўтамиш.

2017 йили Тошкент ҳарбий округи миқёсида «Энг илғор жанговар машина экипажи» мусобақасида; «Ўз касбининг устаси» мусобақасида умумқўшин бўлинмалари ўртасида «Энг илғор гурух командири» йўналишида 1-ўринни эгаллаган.

2018 йили юртимизда илк маротаба ўтказилган «Танк биатлони» мусобақасида экипажи билан 1-ўринни қўлга киригтан. 2019 йили жаҳон аренасига чиқиб, Россия Федерацияси «Алабино» полигонида бўлиб ўтган Ҳалқаро армия ўйинларининг «Танк биатлони» мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси билан илк маротаба қатнашиб, 2-дивизионда фаҳри ўринган сазовор бўлган.

Бу эътирофларни қаерданadir кўчириб ёзаётганим йўқ. Уларнинг аксариятига ўзим ҳам гувоҳ бўлганман. Танишувимиз ҳам қизиқарли кечган.

Ҳалқаро армия ўйинлари қизғин паллага кирган. «Алабино» полигони. Фаол иштирокчилардан телевидение учун интервьюлар оляпмиз. Одатда, сўз якунидаги ҳар ким ўзини таниширади, ҳарбий унвонини, лавозимини айтади. Бизнинг қаҳрамонимиз эса бундай изоҳ беришни истамади:

– Мени ҳамма танийди, айтишм шарт эмас!

Оғир-босиқ бўлишишмага қарамай, ўша пайтда кибор кўринган бу «йигитча»ни (мендан сал кам 10 ёш кичик экан) қўйол бўлса ҳам танкнинг устидан судраб тушгим келганди. Бунинг ҳазил эканини билгач, мутойиба ва қо-

чиримларни ўз ўрнида кўлладиган, қийин шароитда ҳам кулгига куч топа оладиган сафдошимиз билан анча қадрдан бўлиб қолдик. Ютуқларини кузатиб, севиниб юрдим.

Айтганча, гапни давлат мукофотидан бошлагандик. Қилинган мутасил меҳнатлар ўзининг муносиб эътирофини топди. Ўша куни ҳарбий кисмдаги тантанани кўя турайлик, қаҳрамонимиз туғилиб ўсган Самарқанд вилоятининг Ургут тумани Жарқишлоқ маҳалласида ҳам катта шодиёна бўлди. Ўқтам ака, Шоҳиста аяни қутловчиларнинг кети узилмади.

Оддий ишчи оиласида туғилган Муҳриддиннинг бу ютуғи ўзи таҳсил олган 10-умумтаълим мактабида бирга ўқиган синфдошлари ва устозларини ҳам бехад қувонтириди. Турмуш ўртоғи Махфуза Рахимованинг севинчини таърифлашга ҳожат йўқ. Үйларни Муҳаммаджон ва Нурислом эса хонадондаги кўтариликни кайфиyatдан ҳархаша қилишни ҳам унугиб қўйгандек эди, гўё. Яхши кунингда хурсандчилигингга шерик бўладиган инсонлар кўплигининг ўзи улкан баҳт аслида.

Хўш, майор Муҳриддин Ҳошимовнинг ўзи-чи?! Келинг, унинг фикрларига қулоқ тутайлик.

– **Ёшлик йилларингизда келажагингизни қандай тасаввур қилгансиз? Реал ҳаёт унга қайдаражада мувофик келмоқда?**

– Ростини айтаман, ёшлигимда ҳарбий учувчи бўлишни орзу қилардим. 2011 йили Чирчик олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим ютида таҳсил олишни бошлаганимдан кейин қуруқликдаги қўшинларнинг энг қудратли техникаси бўлган танкларга меҳрим ошди. Шу соҳани қатъият билан пухта ўзлаштиришга қарор қилдим. Бундан хеч ҳам афсусланмайман. Ушандан бўён қунт ва изчиллик билан соҳа сир-асорларини мукаммал ўзлаштириш, билим, тажриба ва кўникмаларимни мукаммаллаштириб бориш ҳаракатидаман. Ана шу қизиқиши ва интилишларим мени мусобақаларга етаклади. Мехнатларимиз маҳсулини кўриб,

совринли натижаларга, эътирофга сазовор бўляпмиз.

– **Давлат мукофоти билан тақдирландингиз. Мудофаа вазири томонидан алоҳида эътироф этилдингиз. Кўнглингиздан қандай кечинмалар ўтди?**

– Ўша ҳолатда мен фақат ўзимдан иборат эмаслигимни росмана ҳис қилдим. Ҳамма яқинларим, сафдошларим кўз ўнгимдан бир-бир ўтди. Давлат мукофотини қабул қилиб оларканман, бу нафақат менинг, балки 80 ёшдан ошиб, ҳар доим дуо қилиб турган бобом ва бувим, отонам, офицер ва командир сифатида ҳарбий ҳаётга тарбиялаган қадрли устозларим, шу мукофотга муносиб кўрган командирларим, муболагага йўймасангиз, бутун округимизнинг мукофоти эканини ҳис қилдим. Шундай юксак даражага етказгани учун Яратганга шукронга қилдим. Зиммамдаги масъулият юки кўп карра органини тўйдим.

Юртимизда илк бор танк биатлони учун майдон ҳозирлаётганимизда ўзим ҳам бу қадар натижаларга эришамиз, халқаро майдонларга чиқиб, совринли ўринларни забт этамиз, деб ўйламаган эдим.

– **Курсанларга, ёш ҳарбий хизматчиларга ўгит ва тавсияларингиз.**

– Улар она Ватанимиз мустақиллигини асраш ва буюк келажагини барпо қилишга фақат тинчлик ва осойишталикини мустаҳкамлаш, сақлаш орқалигина эришиш мумкинлигини жуда яхши тушуниб етишлари шарт. Мушакқатли ва шарафли касбимиздан ғурурланиб, мутахассисликларини мустаҳкам эгаллашлари лозим. Миллий армиямиз, ўзбек ўғлонининг куч-қудратини ҳалқаро мусобақалардаги юқори натижалар билан намоён қилишлари керак. Юраклари ҳар зарб урганида қасамёдларини эслатиб туриши керак: «Ўзбекистон Республикасига садоқат билан хизмат қиламан!»

**Капитан Азиз НОРҚУЛОВ,  
«Vatanparvar»**

# ВАТАН ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДАГИ

# МАРДЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ  
ЭТИЛГАНИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ  
КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ФАРМОНИГА  
КЎРА, ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИ  
ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИСИ ПОДПОЛКОВНИК БЕКЗОД РЎЗИЕВ  
«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ.



Ватан – биз туғилиб ўсган азиз маскан, киндик қонимиз тўкилган мўътабар тупроқ. Унинг тинчлиги ва осойиштаги йўлида мардлигу жасорат кўрсатиб, керагида ҳатто жонини фидо қилишга тайёр ўғлонлари борки, у ҳамиша юксалаверади. Зоро, Ватан ҳимояси йўлидаги мардлик фақат жанг майдонидагина содир бўлмайди. Асл қаҳрамонлик ва мардлик кундалик ҳаётимизда шу юрт равнақи учун хизмат қилиш, эл манфатини ўз манфаатидан устун қўйиб, миллий гурур ва ўзликни англаган ҳолда мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаш демакдир.

Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиши подполковник Бекзод Рўзиев ҳам ўзининг билим ва иқтидори, интилевчанилиги, ташаббускорлиги, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватан ҳимояси йўлида мардлик намуналарини кўрсатиб келаётган ўғлонлардан бири.

## ЕТАКЧИЛИК ҚОБИЛИЯТИ

Самарқанд вилоятининг Каттақўргон тумани Кумушкент маҳалласида истиқомат қилаётган Шухрат ака ва Нодира опа Рўзиевлар оиласи бундан 36 йил муқаддам, 1987 йил 6 июня қизлари Шахлохон ва ўғиллари Шерзодбекдан сўнг учинчи фарзанд бўлиб дунёга келган Бекзоднинг орадан йиллар ўтиб, ҳарбийлик соҳасини танлаши ва бу йўлда катта муваффақиятларга эришишини ҳатто хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Бoisи оиласи ҳарбийлик соҳасини танлаганлар бўлмаганди.

Болалигидан ҳарбий бўлишни ният қилган қаҳрамонимиз ўз интилишлари натижасида 2005–2009 йилларда Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида таҳсил олади. Курсантлик даврида устозлари нафақадаги подполковниклар Шокир Суяров ва Ўткир Ачилов унданаги салоҳиятга алоҳида эътибор қаратган ҳолда сардорлик ҳамда етакчилик қобилиятини янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшадилар.

Албатта, ҳар қандай орзу инсонни мақсад сари интилишга, ҳаракат қилишга ундейди, янги-янги мэрралар сари руҳлантиради. Каттақўргон туманидаги 39-умумтаълим мактабида таҳсил олган Бекзод 2005 йилда Тошкент давлат техника университети қошидаги лицей-интернатда тарих ва инглиз тили йўналишида таҳсил олади. Ўқиш билан биргалиқда жисмонан бақувват бўлиш мақсадида каратэ спорт тўғарагига ҳам қатнашиб, туман ва вилоят биринчиликларида ғолибликни кўлга киритади.

## МАҚСАД САРИ ЙЎЛ

Албатта, ҳар қандай орзу инсонни мақсад сари интилишга, ҳаракат қилишга ундейди, янги-янги мэрралар сари руҳлантиради. Каттақўргон туманидаги 39-умумтаълим мактабида таҳсил олган Бекзод 2005 йилда Тошкент давлат техника университети қошидаги лицей-интернатда тарих ва инглиз тили йўналишида таҳсил олади. Ўқиш билан биргалиқда жисмонан бақувват бўлиш мақсадида каратэ спорт тўғарагига ҳам қатнашиб, туман ва вилоят биринчиликларида ғолибликни кўлга киритади.

Болалигидан ҳарбий бўлишни ният қилган қаҳрамонимиз ўз интилишлари натижасида 2005–2009 йилларда Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида таҳсил олади. Курсантлик даврида устозлари нафақадаги подполковниклар Шокир Суяров ва Ўткир Ачилов унданаги салоҳиятга алоҳида эътибор қаратган ҳолда сардорлик ҳамда етакчилик қобилиятини янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшадилар.

Тарих, инглиз тили ва математика фанларини яхши ўзлаштирган қаҳрамонимиз, олий ҳарбий таълим

муассасасида ўқиган кезларида «Камолот» стипендияси соҳиблигига ҳам муваффақ бўлади.

## ШАРАФЛИ КАСБ МАСЬУЛИЯТИ

Ҳарбий олий таълим муассасасини тамомлаган Бекзод Фарғона туманидаги ҳарбий қисмлардан бирида взвод командирининг ўринбосари лавозимида ўз хизмат фаолиятини бошлайди. Устозлари полковниклар – Қаҳрамон Мўминов, Азизбек Солиев ва Фахриддин Қиличевдан бошқарув маҳоратини ўрганиб, республикамизнинг турли ҳудудларида давлат чегараларини ҳимоя қилишдек шарафли вазифани юқори масъулият билан ўтайди.

2017–2019 йилларда Қуролли Кучлар академиясининг икки йиллик магистратура босқичини тамомлаган подполковник Бекзод Рўзиев буғунги кунда Андикон вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирининг командири.

Қаҳрамонимиз бошчилигидаги ҳарбий қисм жамоаси сарҳадларимиз даҳлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ва қўриқлашда жонбозлик кўрсатиб, жанговар хизмат фаолиятида эришаётган юқори натижалари учун бир неча бор «Энг илғор қўшилма» ва «Энг илғор ўқув-моддий базаси» номинациялари соҳиби бўлган.

## МЕҲНАТЛАР ЭЪТИРОФИ

Кўп йиллик фидокорона меҳнати, шахсий таркиби ва ўзининг жанговар хизмат фаолиятидаги муваффақиятлари эътироф этилиб, подполковник Бекзод Рўзиев 2015 йилда «Жасорат» медали билан тақдирланган.

Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Мардлик» орденига муносиб кўрилиши эса қаҳрамонимизнинг қувончига янада қувонч қўшди.

– Бугун дунё ва минтақамиздаги тез ўзгарувчан, шиддатли ҳамда мураккаб вазият ҳарбий хизматчи-

ларнинг жанговар салоҳиятини ошириш билан бир қаторда, уларнинг маънавий салоҳиятини ҳам янада юксалтиришни тақозо этмоқда. Шахсий таркибим билан ишларни ташкиллаштириш жараёнида айни шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратаман. Зоро, раҳбарлик бу – катта масъулият. Қўл остингдаги ҳарбий хизматчилар, уларнинг тақдири учун бевосита жавобгарликдир, – дейди подполковник Бекзод Рўзиев. – Давлат мукофотини шахсан Юрбошимизнинг қўлларидан олганимда қалбимда кечган ҳаяжонни сўз билан ифодалашим қўйин. Ўша пайтда Ватан ҳимояси йўлидаги бо силган ҳар бир қадамнинг албатта эътирофи ва эъзози бўлишини чукур ҳис этдим. Кучимга куч, шижоатимга шижоат қўшган ушбу мукофот – нафақат менинг, балки мен бошчилик қилаётган ҳарбий қисм, унинг ҳар бир фидойи ҳарбий хизматчисининг мукофоти деб биламан.

## ВАТАН ИЧРА КИЧИК ВАТАН

Қаҳрамонимизнинг кўплар ҳавас қилса арзирлик оиласи бор. Турмуш ўртоғи Нафисахон тибиёт соҳасида фаолият юритади. Улар биргаликда Асадбек, Асилбек, Шукрулло ва Муҳаммадюсуф исмли тўрт нафар пахлавон ўғилни вояга етказишмоқда. Катта ўғли Асадбек Каттақўргон шахридаги Президент таълими муассасаси тизимидағи ихтиносослаштирилган мактабда таҳсил олади. Фарзандлари қайси касбни танлашидан қатни назар, ўша соҳанинг эътирофга сазовор яхши мутахассиси бўлишларини истайди.

Биз «Мардлик» ордени соҳиби подполковник Бекзод Рўзиевни юксак давлат мукофоти билан кутлаб, сарҳадларимиз даҳлсизлигини таъминлашдек масъулиятли хизмат фаолиятида улкан зафарлар тилаб қоламиз.

**Майор Фарида БОБОЖНОВА**  
ДХХ Чегара қўшинлари

# АДАМ СОБИР ЎНАР ДУНЁСИ

«Авал онамнинг тетик, улдабуронлиги керак эди. Бора-бора, вужудидан қуввати кета бошлагач, соғ-саломат экани менга давлатдай туюлди. Қарида, кўп бора мусибатзада бўлди, шунда бир парчагина бўлиб, яна энкайиб, мунгайиб қолган онамнинг тобора омонат экани кундай равшан бўлди: у зоти муборакка айланиб бораётган эди. Омон-эсонлиги, бу дунёда тирик-борлиги энди менга кифоя эди. Албатта, бу вақтга келиб, биз бир-биримизни авайлашни ўргандик. Илгаригидек жеркиш, қаттиқ-қуруқ гапириш, совуқонлик энди бизга бегона эди. Ёш ҳам бир жойга келиб, раҳмдиллик туйгуси ўз-ўзидан кучайган эди».

Ўзбек адабиёти жуда бой. Уни ўқиши, кузатиб бориш ҳам қийин. Кечаке сени ҳаяжонга солган бир асардан сўнг, бугун бекиёс гўзал бир шеър дунё юзини кўриб туради. Кейинги ойлар адабиётимиз бир нечта улуғларини сўнг йўлга кузатди. Албатта, ўлим ҳақ, шундай бўлса-да, уларнинг нуроний бир ёшга бормаганлари армон-да. Зариф Султоний, Собир Ўнар... Ёнгина-мизда шундай улкан дарёлар гувиллаб ётган экан, ўлим ҳақида ўйламаганмиз, улар бизни бевақт тарк этишлари хаёlda ҳам йўқ эди.

2020 йили ёзда Собир Ўнарнинг «Олдинда ёнган маёқ» китобини ўқиб чиқкан эдим. Туғилган кунимда, китобларни севганим учун «Ватанпарвар» жамоаси тухфа қилган бир нечта китоблар орасида адабнинг бадиий-публицистик мақола, сұхбат ва эсселаридан иборат ана шу китоби ҳам бор эди. Варақлаб кўрдим, айримларини ўқиган эканман. Бу китоб юртга муҳабbat туйғулари билан лиммо-лим. Адаб «Дашт одамлари»да шундай ёзди: «Қаерда бўлсант ҳам оқ сут бериб ўстирган онанг, бешикда биғиллаб йиғлаганинг пахсадевор уйинг, болалик қадрдонларинг – тенг-тўш жўраю қариндошларингни соғинасан, кўнглингнинг бир чеккаси доим уларга тортиб туради. Гўдаклигинда чанг тўзитиб ўйнаганинг сўқмоғу ёлғизоёқ йўл, дарахт, бутаю тош, жару сайҳонлар, булоқлар – бари-бари гўё тирик қадрдонингдек ойлар, йиллар оша ўзига чорлайди, чорлайверади». Қаранг, шу бир парчада ватансевар инсоннинг қанчалар оддий ва улкан меҳри акс этган.

Мутолаани энг аввал эсселардан бошладим. Улардан бири «Она соғинчи» эди.

Мен адабни қисса, ҳикоялари орқали таниғанман. Аммо мана бу эссе – «Она соғинчи» унинг қалб ойинаси эди. Аллакелбат, кўркам дашт эркаги рост туйғуларини шу қадар назокат, зарифлик билан баён этадики, ихтиёrsиз ёзувчини қайта кашф этасиз.

**Ўқиймиз:** «Катта отам шу қир қулаётганда тутиб қолган. Тушида, албатта. Энди-энди ўйласам, шу фариштасифат, фариштафель одамлар қишлоғимнинг тоза виждони, чин иймони экан. Алдов, қінғирлик, айёрлик нелигини билмай намозини ўқиб, рўзасини тутиб ўтиб кетди. Кампира Ойдай энам ҳам шундай эди.

Онам Солиҳа Тинибек қизи шу фаришталардан туғилган бошқа фаришта эди».

Бу инсонларнинг бари, ҳатто ўша муаззам Қўшработ даштлари ҳам унинг асарларига кўчган. Буларнинг бари уни орзулантирган, илҳомлантирган.

**Ўқиймиз:** «Менинг онам эса... қисқа айтганда, бегам эмас эди. У қандай ғам деб сўрарсиз. Сиз сўраманг, мен айтмай дейман. Яраларим бор. Очилади десам – кам, танам нақ ярмидан бўлиниб кетади десам – оз. Шунинг оғриғига чидаш мумкинми?

Мен жигарларга куядиган беш жигарнинг бириман. Бу мушфик инсон эса бориу ўйк бўлган фарзандларининг барига куярди-да...

Эҳ, ушлаган қаламим ёниб кетса, не ажаб!

Онажонимни, суюнчиғимни соғиндим...»

Қандай яралар ҳақида ёзяпти, адаб? Танани нақ иккига бўлса-да, озлик қиладиган у қандай ғам эди, қандай оғриқ эди? Қаламни ёндириб юборадиган қандай дардлар экан?!

«Она соғинчи»да ўша ғамлар ва дардларнинг учи кўринади, ўзи эмас.

**Ўқиймиз:** «Фарогатли кунлар эди. Кечалари эртакка тўла, кундузлари тафтли, қуёшидан тортиб гиёҳигача, ҳайвонигача меҳрибон эди. Лекин бола кўнгил у кунлардан олислаб кетгиси, бир ажойиб зиёли, бир ажойиб ботир, эл ҳурмат-эъзоз қиладиган одам бўлиб қайтгиси, ҳамманинг ҳавасини ортиргиси келарди. Иштиёқча, ихлосга, орзуга тўла эди у кунлар. Орзуга етиш мумкин экан, одамга етиш қийин экан. Одамга ҳам етиш мумкин, ушлаб туриб бўлмас экан. Эъзозламаганинг эъзозга муҳтоҷ, уни

эъзозлай деганингда дунёсига қўл силтаб кетган бўлар экан.

Дунё ҳувиллаб қолиши мумкин экан.

Рустам, Азамат, Ўткир... Ўзидан аввал кетган уч ўғли онажонимни марҳабо дея қуҷоқ очиб кутиб олишган чиқар у дунёда...

Йилдай узун қиши кечалари, йилдан узун қуёшли кунлар. Энди ҳаммаси қисқарди, тезлашди».

Аслида ёзувчининг «Бибисора» қиссасини сизга тавсия қилмоқчи эдим. «Она соғинчи» эссе менинг хаёлларимни эгаллаб олди. Чунки бу соғинч жуда-жуда табиий, ўхшаш, ўзинг билан ўзинг бўлиб қолганингни сезмай ҳам қоласан.

Тоғдек ғамларинг, дардларингни аритмоқчилик муштдеккина бўлиб қолган ўша фаришта – онангга суюнсан. Бироз енгиллашасан. Чунки у бор, ёнингда...

**Ўқиймиз:** «Нега буйтиб ётибсан, болам. Тур, улингди уяга, қизингди қияга қўй, болам. Уёққа кетишига мана мен ҳозирман, сенга йўл бўлсан, тур.

Келини – Лолам ростдан ҳам ўрнидан туриши, соғайиши шартдай сергакланиб атрофга қаради. Ўзининг ағбор аҳволидан хижолат чекди. Яқинда операция бўлган, ундан аввал буйраклари ишламай шланглар улаб қўйилган, танаси куриб қолган, энди саратон ошқозонни ҳам эгаллаб, егани ҳазм бўлмай қийналар эди. Куруқшаган лабларини қимирлатиб:

– Сиз ҳам кепсиз-да, эна! – деди.

Мия соғ, ақл жойида, хотираси жуда ҳаҳи эди унинг. Қўзларида ёш филтиллади. «Эна, буйтиб гарип бўлиб кулчадай ётгунча хизматингизни қилиб юрсам бўлмасми» деган аянчли ўтинч бор эди.

Онам жуда чуқур, жуда узун фузун тортиди. «Эсиз болам-а!» дегандай туюлди. Ҳатто қўрқиб кетдим.

– Улингди уяга, қизингди қияга қўй! – деди яна».

«Она соғинчи»ни шу ерда тўхтатаман. Қайғу-ғам сахифалар орасидан чиқиб келаётгандек...

Азиз ўқувчи, сизга «Бибисора» қиссасини тавсия қилмоқчи эдим. Мени ғамига, соғинчларига шерик қилган «Она соғинчи»га шунчаки бир тўхталиб ўтмоқчи эдим.

Биламан, бадиий-публицистик мақолалар ҳаммани ҳам бирдек қизиқтирилди. Аммо ёзувчи Собир Ўнар дунёси жуда бошқа-да. Олижаноб полвонлар, чавандозлар ҳақида сўз юритган. Ўзбек тилининг бой имкониятларидан фойдаланиб, оддий, самимий тилда мардларни сизга танитишга ҳаракат қилган.

Эътибор беринг-а: «...одамнинг ғурурини қўзитадиган гаройиб ўйин бу кўпкари.


Азалий ўйин. Юз эллик йилнинг нарисидаги гаплар ҳам бор. Тўртингчиси отам Хидир чавандоз бўлган (адибнинг ўзи ҳам яхшигина чавандоз эди). Тақимига тақани босса, ёпишган полвон унинг бутидан обдан тармашиб торта берса, улоқнинг бутлари айрилиб кетар экан, лекин тақимини бўшатмас экан. Не тонгким, бобом бир зўр байтални чопган. Тўдагир бўлган. Донғини чиқарган. Армони қолмаган. Йўқ, армониям бўлган. Яъниким байтал Тўқабо иккови ўртасида талаш бўлган. Бу, энди, бурунгининг ўшаги. Қадимга унча тиши ўтмайди...

Лекин икковиям ёрарман, ўйрман полвон ўтган».

Мен адаб асарларини таҳлил қилиш фикридан йироқман. Ҳар доимидек тақрорлайман: бу иш адабиёт синчиларига ҳавола. Аммо бир ўқувчи, китобхон сифатида «Олдинда ёнган маёқ»ни ўқиб қўришингизни, оила даврасида мутолаа қилишингизни тавсия қиласадим. Ва бу китоб ёзувчининг ижод оламига чорлаб, бошқа асарларидан ҳам баҳраманд бўлишингизга йўл очади.

Хузурли мутолаалар тилаги билан

**Инобат ИБРОҲИМОВА,**  
«Vatanparvar»



ЎЙ...

**БАЪЗАН АСКАРЛАР ШУНЧАКИ  
Қўшиқ айтишади. Сафда,  
МАШФУЛОТЛАРДА, ДАМ ОЛИШ ВА  
ТАНАФФУС ПАЙТЛАРИДА...**  
**БАЪЗИ-БАЪЗИДА НАФАҚАГА  
ЧИҚҚАН ҲАРБИЙЛАР, МУДДАТЛИ  
ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ ҚАЙТГАН  
АСКАРЛАРНИНГ Қўшиқ ХИРГОЙИ  
ҚИЛИБ ЮРГАНИНИ ЭШИТАМИЗ.  
УЛАР ҲАРБИЙ, САФ Қўшиқларини  
СОФИНИБ АЙТИШАДИ. АММО УЛАР  
КЎП ЭМАС...**

**ОДАТДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ ЁКИ  
АСКАР ХИЗМАТ ДАВРЛАРИНИ ЭСДАН  
ЧИҚАРМАЙДИ. УНИНГ САФЛАРДА  
ЮРГИСИ, ЮРАГИГА СИНГИБ  
КЕТГАН Қўшиқларни айтгиси  
КЕЛАВЕРАДИ. БИЗНИНГ ҚАНДАЙ  
ҲАРБИЙ Қўшиқларимиз бор  
ўзи? Ўйқ, аввал бошқа саволни  
қўйиш керак? Ҳарбий қўшиқлар,  
саф қўшиқлари нега керак?**

#### МУСИҚА ВА РУҲИЯТ

Ҳарбий қўшиқларнинг тарихи жуда чуқур. Қадимги юнонлар доим ватанпарварлик руҳидаги мусиқаларни чалиб, шу мазмундаги қўшиқларни айтиб келишган. Мусиқа жамоаларига флейтчилар бошчилик қилишган. Қадимги спарталиклар ҳам пулфлама чолғу асబоблари садолари остида урушга боришиган. Ҳарбий мусиқа учун шохлардан ҳам фойдаланишган. Мусиқа ва қўшиқнинг ҳарбий фаолиятдаги самарадорлиги эса бевосита қадимги риммикларга бориб тақалади. Яъни улар биринчи бўлиб бу қўшиқларнинг қадрини билишган, керак эканлигини англашган. Рим қўмондонлари барабан ва мисдан тайёрланган чолғулар оҳанглари билан аскарларнинг янада иштиёқ билан ҳаракат қилишларини, сафда қадамларнинг тартиби ва тезлигини мусиқа билан ушлаш мумкинлигини пайқашган. Бунда овоз чиқарувчи шохлар ва пулфлама сигнал воситалари муҳим роль ўйнаган. Аста-секин мусиқанинг ривожланиши ҳарбий соҳага ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Ҳарбий маршлар XV-XVI асрга келиб, машҳур бастакорлар асарларидан ҳам ўрин эгаллай бошлаган.

Тўй-томуша ва байрамларни қўшиқсиз ўtkазиб бўлмагани каби ҳарбий юришларни саф қўшиқларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин негадир ана шу саф қўшиқлари, ҳарбий қўшиқларнинг мухлислари жуда кам. Собиқ ҳарбий ёки муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигит фақатгина ҳарбий хизматдаги вақтини соғинганидан эмас, Ватан учун ҳар доим ҳамма нарсага тайёрлиги учун бу қўшиқларни эслashi – энг муҳим жиҳат.

Демак, бизга муддатли ҳарбий хизматчи армиядан қайтгандан сўнг эслаб юрадиган, хиргойи қиласиган, укаларига ўргатадиган қўшиқлар

керак. Тўғри, бундай қўшиқлар бор. Кўп бўлса, янада яхши...

#### ТАБИИЙ ЗАРУРАТ

Таҳликали вазиятларда инсон ўзи учун ҳақиқатда нима қадрли эканлигини, яшашдан мақсадини, энг азиз инсонларини англайди. Шу боисдан ҳам ҳарбий саф қўшиқлари аскарларнинг кучларини жипслаштириш, мардонавор сафарбар этишнинг энг кучли воситаси ҳисобланади. Оғир ва лирик, ўйноки ва жанговар қўшиқлар – булар қай оҳангда айтилмасин, аскарга ўз уйини, яқинларини эслатади, жанговар ҳолатларда уларнинг руҳини кўтаради.

Яхши қўшиқ, яхши мусиқа аскарга машиқкат ва қийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Аскарлар саф машғулотларида, ҳарбий парадларда, бўш вақтларida қўшиқ куйлаб, руҳларини чиникитиради. Қўшиқ аскар учун табиий зарурат бўлиши кераклигининг сабаби ҳам шунда.

#### РИТМ, ЗАРБ ВА БИОЛОГИК ҲОЛАТ

Мусиқий ритм, биринчи навбатда, ҳарбий хизматчиларнинг сафда қадам ташлашини таъминлаш учун мўлжалланган. Бу шунчаки намойиш этиш воситаси эмас, унинг жиддий психофизик асослари бор. Антик даврлардан келган асос бу.

ҲАРБИЙ ҚЎШИҚЛАР

ҲАРБИЙ ҚЎШИҚЛАР

#### НЕГА БУ ҚЎШИҚЛАР УЗОҚ ЯШАДИ?

Уруш даврида қўшиқларнинг аҳамияти янада ортиб боради. Аскарнинг соғинчи, армиядан ташқаридаги ҳаёт тарзи, мақсади, келажаги бўлади бу қўшиқларда. Уларнинг кўпи ҳалқ қўшиқларига айланиб кетади. Содда, тушунарли, самимий тасвирлар... Мазмун ҳам шунга яраша: ғалабага даъват, жипслик, Ватанга меҳр, ғурур ва албатта, эртанги кунга ишонч туйғулари бўлади. Уруш йилларида туғилган ҳар бир қўшиқнинг ўз тарихи, ўз йўли, ўз тақдиди бор. Ана энди «Уруш даврида яратилган ҳарбий қўшиқлар нега ҳали ҳам яшаб келяпти?» деган саволга жавоб туғилади. Сабаби уларда дард, реал ҳаёт бор эди. Бу қўшиқлар одамларга йўқотишнинг оғрик ва машақатларини, очлик ва айрилик изтиробларини теран англатар, баъзи қўшиқлар мотивларида маълум воқеалар ёки шахсларнинг фожиали тақдиди бор эди.

Бугун эса ҳарбий қўшиқчиликнинг замон ва макон танламас юксак анъаналарини қайта тиклаш ҳамда ривожлантиришни талаб этмоқда. Бунда, албатта, Мудофаа вазирлиги тизимидағи ҳарбий ансамбл ва оркестр жамоалари ўтасида мунтазам равишда ўтказиб келинаётган ҳарбий ва саф қўшиқлари танловлари, шу мазмундаги фестиваллар жуда яхши самара беради. Охирги йилларда эса мазкур ишларга фақатгина ҳарбийлар эмас, сўз ва мусиқани, инсон руҳиятини теран англовчи мутахассисларни жалб этилаётгани қуонарли ҳолдир. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу қўшиқлар фақатгина ҳарбий йиғинларда ёки саф машғулотларида эмас, балки ҳаммага, айниқса, ёш авлодга кучли таъсир кўрсатадиган ноталарда яратилиши лозим.

#### ИШОНЧ...

Ҳарбий маршда энг муҳим роль аскарларнинг синхрон ҳаракатларидир. Бу қўшиқ ва мусиқа билан бир бутунликда ҳаракат қилиши дегани. «Биз ҳаммамиз биттамиз! Биз биргамиз! Биз ягона кучмиз!» деган ишонч бу. Зоро, инсон муваффақиятининг энг муҳим калити ҳам ишончда!

Қўшиқ армиянинг руҳини синдиришига имкон бермайдиган даҳшатли қуролга айланиши керак.

Хуллас, бизга ана шундай қўшиқлар керак!

**Дадаҳон МУҲАММАДИЕВ,  
шоир**

## YANGI UYLAR FOYDALANISHGA TOPSHIRILDI

O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganining 31 yilligi hamda umumxalq bayramiga aylangan Vatan himoyachilari kuni ayyomi arafasida Qoraqalpog'iston Respublikasining Nukus shahrida hamda Xorazm viloyatining Urganch shahrida Mudofaa, Ichki ishlar, Favqulodda vaziyatlar vazirliklari, Davlat xavfsizlik xizmati Chegara qo'shinlari hamda Milliy gvardiya harbiy xizmatchilari uchun muddatlari imtiyozli ipoteka krediti asosida qurilgan ko'p qavatli turarjoy binolari foydalanishga topshirildi.



Xonadon kalitlarini oilalarga topshirish marosimida Qoraqalpog'iston Respublikasi Jo'qorg'i Kengesi Raisi Amanbay Orinbayev, Shimoli-g'arbiy harbiy okrug qo'shinlari qo'mondonligi, hududiy kuch tuzilmalari hamda Nukus harbiy prokuraturasi rahbariyati, harbiy xizmatchilar oilalari hamda jamoatchilik vakillari ishtirok etdi.

Jo'qorg'i Kenges Raisi o'z nutqida Qoraqalpog'iston Respublikasi Jo'qorg'i Kengesi harbiy-ma'muriy sektori bilan hamkorlikda olib borilayotgan keng ko'lamdag'i ishlar bugun milliy

armiyamizni tom ma'noda yangilash, eng zamonaviy shart-sharoitlarni yaratish, harbiy kasb nufuzini oshirishga xizmat qilayotganini ta'kidladi.

Nukus shahrida bunyod etilgan 98 xonadondan iborat uchta 7 qavatli, Urganch shahrida esa 126 xonadondan iborat uchta 9 qavatli barcha qulayliklarga ega bo'lgan yangi uylar yurtning asl o'g'onlari Vatan himoyachilari kunida bayram tuhfasi bo'ldi.

**Shimoli-g'arbiy harbiy okrug matbuot xizmati**

## SAYOHAT

### HARBIY TA'LIMDAGI TAJRIBALAR O'RGANILDI

O'zbekiston Milliy universiteti harbiy tayyorgarlik o'quv markazi professor-o'qituvchilari Chirchiq oliy tank qo'mondonlik-muhandislik bilim yurtiga o'ziga xos ekskursiya uyushtirishdi.



Mazkur tadbir O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganining 31 yilligi hamda Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan "Milliy armiyamiz-Yangi O'zbekistonning mustahkam qalqonidir" shiori ostida o'tkazilayotgan "Vatanparvarlik oyligi" munosabati bilan tashkillashtirildi. Tadbir davomida Milliy universitet harbiy tayyorgarlik markazi professor-o'qituvchilari uchun Qurolli Kuchlar tizimida, shuningdek, bilim yurtida amalga oshirilayotgan islohotlar bilan yaqindan tanishish imkoniyati yaratildi.

Tashrif davomida mehmonlar uchun milliy armiyamiz va bilim yurti tarixi,

bugungi kundagi faoliyati haqida hikoya qiluvchi hujjatli filmlar namoyish etildi. Kursantlarning o'qish jarayoni, ularga yaratib berilgan shart-sharoitlar, bilim yurti muzeyidagi qimmatli eksponatlarni tomosha qilgan ustozlar harbiy ta'limgoh sohasida erishilgan yutuqlarga yana bir marta guvoh bo'lishdi.

Chirchiq oliy tank qo'mondonlik-muhandislik bilim yurtiga uyuştirilgan ekskursiya jarayonida harbiy tayyorgarlik o'quv markazi professor-o'qituvchilariga sohaga oid tajribalar haqida kerakli ma'lumotlar yetkazildi.

**Fazliddin CHORIYEV**

## ✓ KO'NGIL ZIYORATI

### O'KSIK QALBLARGA QUVONCH ULASHIB

Inson hamisha mehr-muruvvatga ehtiyoj sezib yashaydi. Arzimas buyum yoki bir og'iz aytilgan shirin so'z ham bir ko'ngilni obod etishi, uning hayotiga nur olib kirishi hech gap emas.



O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganining 31 yilligi hamda Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan "Milliy armiyamiz Yangi O'zbekistonning mustahkam qalqonidir" shiori ostida o'tkazilayotgan "Vatanparvarlik oyligi" doirasida Chirchiq shahrida joylashgan 14-Mehribonlik uyi tarbiyalanuvchilari Chirchiq oliy tank qo'mondonlik-muhandislik bilim yurti mehmoni bo'lishdi.

Bolajonlarga Qurolli Kuchlarimizda shu bilan birga bilim yurtida amalga oshirilayotgan islohotlar va harbiy xizmatchilar uchun yaratilgan shart-sharoitlar haqida batafsil ma'lumot berildi.

Yakunda bolajonlarga bilim yurti rahbariyati tomonidan esdalik sovg'alari topshirildi. O'z navbatida, o'quvchi-yoshlar ham harbiylarga Vatan, do'stlik, ota-onasi hamda mehr-muruvvat mavzusidagi yod olgan she'rlarini aytib, yig'ilganlarni xushnud qildi. Ularning qalbidagi Vatanga bo'lgan qaynoq muhabbat harbiy xizmatchilarning olqishlariga sazovor bo'ldi.

Bu kabi tadbirlar jamiyatimizda mehr-oqibat, odamiylik, ezgulik kabi fazilatlarni kuchaytirishi bilan birga barchani xayrli va savobli ishlarga undaydi.

**Leytenant Xayrulla O'LMASOV**

## ✓ TARBIYA

### OTA IBRAT NAMUNASIDIR

"Farzandga ilm va hunar o'rgatish farz", deydi dono xalqimiz. Chunki ilmlli kishilar yurt va uning ravnaqi uchun xizmat qiladi, turmush farovonligini oshirishga hissa qo'shadi. Zero, buyuklarimiz: "Ilm sahroda do'st, hayot chorrahalarida tayanch, yolg'iz damlarda yo'ldosh, baxtiyor daqiqalarda rahbar, qayg'uli onlarda madadkor, odamlar orasida zeb-u ziynat, dushmanlarga qarshi kurashda quroldir", deya bejiz ta'kidlamagan.

Farzandni ilmlli qilish, unga yaxshi ta'limg-tarbiya berish, sog'lon turmush tarzini yaratish oiladan boshlanadi. Shuning uchun ham farzand tarbiyasida otaning ham, onaning ham o'ziga yarasha vazifalari belgilangan. Bu borada, ayniqsa otalarning vazifalari birmuncha mas'uliyatlari. Chunki ota - bosh tarbiyachi, farzandlar yo'lboshchisi. U hayotda farzandlariga har jihatdan tayanch bo'la oladigan inson. Farzand tarbiyasida otaning vazifalari mana shu jihatlardan kelib chiqqan holda belgilangan:

– u avvalo, o'ziga munosib umr yo'ldoshi tanlashi lozim. Chunki bu ayol kelajakda farzandlarining onasi, ularning tarbiyachisi bo'ladi;

– farzandiga chiroyli ism qo'yishi kerak;

– ota farzandlariga, o'zining otasiga yaxshilik qilishi bilan o'rnak bo'lishi, ularni jonidan ham ortiq ko'rishi kerak. Shunda farzand otasining yo'lidan yuradi, undan ta'sirlanadi, shu holatda unib-o'sadi va voyaga yetadi;

– ota farzandining tarbiyasini har doim nazorat qilishi, uni axloqli bo'lishga undashi lozim;

– yomon do'st va yomonliklar ta'siridan farzandini asrashi kerak.

Zimmasidagi muqaddas va zalvarli vazifani bekam-u ko'st ado qilayotgan otalarning farzandlari kelajakda barcha uchun namuna bo'ladigan va ibratli inson bo'lib yetishadi.

**Malika MIRZAYEVA,  
MHKG xotin-qizlar bilan ishlash  
bo'yicha yetakchi mutaxassis**

# ХАРБИЙ СОЦИОЛОГИЯ КАНДАЙ РИВОЖЛАНЯПТИ?

**И**нсоният ҳамиша тинч ва осойишта яшашга интилиб келган. Бироқ одамзод умрининг аксар қисми катта-кичик конфликтлар ва урушлар билан ўтган.

Манбаларда кўрсатилишича, сайдерамизда 15 000 га яқин катта-кичик уруш ва низолар бўлиб ўтган ҳамда уларда 4 млрд.га яқин киши ҳалок бўлган. Афсуски, бу каби хунрезликлар дунёнинг турли нуқталарида ҳануз давом этмоқда. Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлслак, 5 000 йил давомида унинг атиги 292 йили урушсиз ўтган, яъни одамзод ҳар 50 куннинг бирида урушсиз, жанг жадалларсиз яшагани қайд этилган. Демак, уруш ва низоларнинг келиб чиқиш сабаблари, уни келтириб чиқарган оқибатлари, тинчлик ва барқарорлик масалаларини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланиб, бунда ҳарбий соҳа ва ҳарбий хизматчилар фаолиятини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмандони Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 4 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида «Ҳарбий округлар бошқарув аппаратларида «психолог», «етакчи социолог» лавозимлари жорий этилиши, 2019 йил 22 февралдаги «Социологик тадқиқотлар ўтказиши давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ғи фармонида «хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, шунингдек, ташқи сиёсат соҳаларида – мамлакат мудофаа қобилиятини, фуқаролар ўртасида ва динлараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлашга, ташқи сиёсат соҳасидаги фаолият самарадорлигини янада оширишга йўналтирилган ислоҳотлар тўғрисидаги жамоатчилик фикрини ўрганиш ва таҳлил қилиш» каби устувор вазифалар белгиланган бўлиб, бу ҳарбий социологиянинг фан-амалиёт-ўқув курси сифатида ривожланиши учун асос сифатида хизмат қиласди.

Ҳарбий социология ҳарбий соҳадаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлиб, армия муаммоларини тадқиқ этиш орқали уруш ва тинчлик даврининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда моҳиятини очиб беради. Ҳарбий социологиянинг ривожланиши кўп жиҳатдан ҳарбий кафедралар ичida содир бўлади ва табиатан ёпиқ ҳамда махфий ҳисоблангани боис ҳарбий кафедра тадқиқотлари натижалари кўпинча кенг жамоатчиликка ошкор қилинмайди. Шу сабабли социологик манбаларда



ҳарбий соҳага тегишли аҳборотлар бир қадар танқислигини кузатамиз. Ҳарбий социология жамият-давлат-армиянинг ўзаро таъсир хусусиятларини, ҳарбий хизматчиларнинг бу муносабатлардаги ролини, ҳарбий хизматчи шахснинг манбаатларини ва касбий тажрибасини, турмуш тарзини ва уларнинг ушбу ўзаро муносабатларнинг ривожланишига таъсирини ўрганади. Улар асосида барча қизиқиш ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат муносабатларини барқарорлаштириш ва уйғуллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади. Ҳарбий социологик тадқиқотлар доирасида ҳарбий хизматчиларнинг хатти-харакатлари, онги, кайфияти, хизмат фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа жиҳатлари ўрганилади.

XX асрнинг 60-йилларида социология фан сифатида ривожланиб, унинг дифференциациялашви ва мутахассис социологларнинг ихтисослашви кучайди. Ана шундай шароитда Америка ҳарбий социологиясида кичик турхулар ва ташкилотларни ўрганишга йўналтирилган амалий тадқиқотлар соҳаси шаклланди. Бундай тадқиқотларнинг буюртмачилари ва мижозлари турли бошқарув тузилмалари эди. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Америкада социологияга нисбатан ижобий ёндашув шаклланди, бунга Иккинчи жаҳон уруши даврида АҚШга кўплаб европалик олимларнинг кўчиб келиши сабаб бўлди.

Бу даврга келиб, АҚШда ижтимоий ва гуманитар фанлар ривожланди, ақлий ва илмий салоҳият кучайдики, бу эса ўз навбатида, турли социологик

мактаблар ва йўналишлар пайдо бўлиши ҳамда ривожланишга олиб келди. Бу даврга келиб айнан ҳарбий социология ҳам социологиянинг мустақил тармоғи сифатида ривожланди. Хусусан, 1946 йилда «American Journal of Sociology» («Америка социология журнали»)нинг ҳарбий масалаларга бағишланган 1-сони нашр этилди. 1955 йилда Мериленд университети профессори Charles Coates (Чарлз Коутес) томонидан Социология бўлимида «Ҳарбий социология» ва «Уруш социологиясиз» бўйича курслар ташкил қилинди. Улар асосида шу йили Ҳарбий ташкилотларни тадқиқ этиш маркази очилди. 1963–1964 йилларда Уест-Поинтдаги АҚШ Ҳарбий академиясида «Социологияга кириш» ўқув курслари ташкил этилиб, социологияни ўқитиш йўлга қўйилди. Бу амалга оширилган саъй-харакатлар натижаси ўлароқ, ҳарбий социология фан+эмпиринка+таълим курси сифатида шаклланди.

1927–2008 йилларда ҳарбий социологиянинг фан сифатида ривожланишида АҚШ мумтоз социологларидан Самюэл Филлипс Хантингтон, Моррис Яновиц, Чарльз Константин Москос, Бруно Беттельхейм, Дэвид Сигал ва унинг рафиқаси Мэди Векслер Сигал каби таникли олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишлар ва ёзилган асарлар мухим аҳамият касб этди. Улар ҳарбий социологларнинг келажак авлодлари учун уруш, тинчлик ва мудофаавий фаолиятни ташкил этиш каби муаммоларни ўрганишнинг назарий-методологик асосларини яратдилар.

Ўзбекистонда ҳарбий социология бўйича профессор Р. Самаров 2005 йилда «Қуролли Кучлар

тизимининг феминизациялашви: ривожланишнинг ўзига хослиги ва ижтимоий механизми (Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мисолида)» мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилган бўлса, 2009 йилда социология фанлари номзоди С. Аҳроров Узбекистонда биринчи марта «Ҳарбий хизматчилар шахсида девиант хулқ намоён бўлишининг ижтимоий хусусиятлари» мавзусида диссертация ҳимоя қилган.

2022 йилда Социологик ва психологоқ тадқиқотлар маркази томонидан республикамизда илк бор «Ҳарбий социология» бўйича ўқув қўлланма нашр этилди.

Ҳозирги даврда республикамиз мудофаа тизимида ҳарбий социологияни (фан+амалиёт+ўқув курси учлигида) ўрганиш, илмий изланишлар олиб бориш, эмпирик социологик тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиши ҳар қачонгидан ҳам долзарб ҳисобланади. Демак, ҳарбий социология ҳолати ва истиқболи тўғрисидаги қуйидаги хуласаларни илгари суриш имконини беради:

1. Қуролли Кучлар тизимида ўқитилаётган «Ҳарбий социология» фанига доир давлат тилидаги адабиётлар базасини шакллантириш, курсантлар учун соҳага оид дарслик ва ўқув қўлланма, ўқув-услубий қўлланмаларни ҳамкор ташкилот олимлари билан биргаликда яратиш.

2. Ҳарбий фаолият ва мудофаа соҳага доир социологик тадқиқот ишларини амалга ошириш, тадқиқот натижалар асосида илмий мақола ва монографиялар чоп этиш.

3. Ҳарбий хизматчилар фаолиятини такомиллаштиришга доир социологик тадқиқотлар олиб борган ҳолда тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

4. Бугунги кунда ҳарбий соҳада «етакчи социолог» сифатида фаолият кўрсатаётган Қуролли Кучлар хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини йўлга қўйиш;

5. Қуролли Кучлар хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган ижтимоий хизматнинг ҳолати, муаммо ва камчиликларни эмпирик социологик тадқиқотлар орқали ўрганиш бўйича илмий изланишларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

**Д. РАҲМОНОВ,**  
**Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институти Социологик ва психологик тадқиқотлар маркази катта илмий ходими, PhD**



Бир нозик нүкта борки, йўлнинг охирни жаҳолат ёки маърифат эканидан чалғитиб кўяди. Яъни кучли фоя ё эзгуликка, ё ёвузликка хизмат қилади. Бунга мисол ўлароқ, фашизм фоясининг Гитлер Германиясини ўзига қанчалик маҳлиё қилиб қўйганини эслаш кифоя. Фоя фақат ва фақат эзгуликка хизматкор бўлиши зарур.

Дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибаси билан қизиқиб, «Google»га мўралайман. Бугун инсоният қандай ғоялар атрофида бирлашмоқда? Бутун дунёни ўзига чорлайдиган, яхши яшаш ва эркинликнинг эталони сифатида ўзини кўрсатишга уринадиган Америка

характери, тартиб ва интизомга қаттий амал қилиш тушунчаси миллатни бирлаштирувчи асосий куч сифатида қаралади ва булар ҳар бир немисинг миясига гўдаклигиданоқ қўйиб борилади.

Юкорида санаган давлатларимизда бир миллатнинг характеридан келиб чиқиб, яқдил миллый фоя ишлаб чиқилган. Аммо шундай мамлакатлар ҳам борки, турли миллат ва динлар орасида қадриятлар тўқнашуви, мақсадлар турфалиги каби низоли ҳолатлар давлатнинг умуммиллий фоясини ишлаб чиқишига тўқсиянил қилиб келган. Сингапур давлати тажрибаси бунга ёрқин мисол. Бу давлатдаги «Оқ китоб» ҳақида ўқиганимдан сўнг Сингапурдаги миллый фоя шаклланиши ва унинг моҳияти ҳақида чуқурроқ ўрганиш истаги пайдо бўлди.

#### «ОҚ КИТОБ»

Сингапур лидери Ли Куан Ю ва унинг пораҳўрликни қандай йўқотгани ҳақидаги гап-сўзлар бот-бот қулогимизга чалинади. Худуди кичкинагина давлатнинг қисқа фурсат ичига тараққий топиб, дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бирига айланиши бу ҳар куни содир бўлаверадиган воқеа эмас. Бугун ҳар томонлама ривожланиб бораётган Сингапур мамлакатида иқтисодий жабҳа кўтарилиши қанчалик қийинчилик билан кечгани каби миллый мафкура шаклланиши ҳам осон кечмаган. Охир-оқибат «Миллый ўзлики тарғиб этиш ва шу фоя асосида бирлашиш» тамоилии турли фикрлар оқимидан ўзиб чиқкан.

Миллатга ҳамиша ўзининг шахсий майдонидан чиқиб, умум манфаати учун йўналтириб турадиган бир куч керак. Бу куч ўша миллатнинг бирлашувини таъминладиган ягона миллый ғоядир. Таниқи шоир Аскар Маҳкамнинг «Оқ китоб» номли китоби бор. Бу ном поклик ва эзгуликка, хурлик ва ёруғликка бадиий ишорадир. Сингапурдаги миллатни бирлаштириб турувчи қадриятлар ва ғоялар тўплами ҳам «Оқ китоб» деб номланган.

Сингапурда миллый мафкура «Оқ китоб»да қайд этилганидек, «Shared Values» («Умумий қадриятлар») концепцияси асосида шаклланган ва у бешта умумий қадриятни ўз ичига олади:

1. Миллат ва жамият тушунчаси ўзингдан устун.
  2. Оила – жамиятнинг асосий бўйини.
  3. Жамоавий қўллаб-қувватлаш ва шахсга ҳурмат.
  4. Зиддият эмас, балки консенсусга эришиш лозим.
  5. Ирқий ва диний уйғунлик.
- «Умумий қадриятлар» концепцияси биринчи марта 1988 йил октябрь ойида Сингапур Баш вазирининг биринчи ўринбосари Го Чок Тонг томонидан илгари сурилган. Унинг мақсади мамлакат маданий мероси ва қадриятларининг турли элементларини ўзида мужассамлаштирган холда Сингапур халқининг ўзига хослигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш эди. 1991 йилга келиб, бу концепцияни ўзида акс эттирган «Оқ китоб» нашр этилди. Шундан сўнг «Умумий қадриятлар» Сингапурнинг миллый мафкураси сифатида белгиланди.

Нега ҳукumat бундай мафкурага эҳтиёж сезди? Мамлакатнинг

«Shared Values» мафкуравий тизими мамлакат ривожида қандай роль ўйнади? Бу каби саволларга жавоб топиш учун «Оқ китоб»нинг мазмuni билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

#### «УМУМИЙ ҚАДРИЯТЛАР»НИНГ МАҚСАДИ

«Оқ китоб»ни тақдим этишдан аввал Сингапур ҳукумати ўз фуқароларини бир-бирига боғлайдиган умумий маданият ўйқлигидан хавотир билдиради. Унда таъкидланишича, Сингапурнинг ўзига хослиги ҳали шакллантирилган эмас, агар бу тезроқ шакллантирилмаса, бу бўшлиқ унда жамиятнинг ўзгарувчан ташқи иқлим курбони бўлишига олиб келади. Шундай қилиб, Сингапур ҳалқи учун умумий бўлган асосий қадриятларни аниқлаш зарурати туғилди.

Миллый ўзлики тарғиб қилувчи хужжат сифатида «Умумий қадриятлар» Сингапурдаги турли этник ва диний гурухларнинг умумийлигига асосланниб, уларнинг ичидан ягона миллый қадриятларнинг ўзагини яратишига ҳаракат қилди. Ягона Сингапур миллати ғояси 1965 йилда Сингапур давлати ташкил топган пайтда тузилиши керак эди, лекин орадан 26 йил ўтгач, 1991 йилда «Сингапур миллый ўзига хослиги»ни аниқлаш ва белгилаш жараёнлари бошланди.

«Оқ китоб» миллатчиликни эмас, балки давлатчиликни тарғиб этиувчи мафкурани тавсия қилади. Бу эътиқод Осиё давлатларига хос тарзда қадриятлар ва анъаналарнинг тикланиши билан боғлиқ «регрессив» тенденцияларга асосланади. Сингапурнинг мафкуравий тарихи асосан ижтимоий эҳтиёжларнинг ўзариши билан шаклланган. Мазкур ҳужжатда келтирилган беш қадриятдан учтасида миллат ва жамият тушунчаларига алоҳида ургу берилган бўлса, битта қадрият оиласи асосий планга чиқаради, охиргиси эса шахсга қаратилган. Шунингдек, ҳужжатда давлатнинг дунёйлиги ва диний бетарафлиги таъкидланди.

#### МИЛЛАТ ЖАМИЯТДАН, ЖАМИЯТ ЭСА ЎЗИНГДАН УСТУНДИР

Ушбу қадрият иккита компонентдан иборат. «Жамоадан кўра миллат» деган биринчи компонент миллый манфаат жамоа манфаатларидан устун турishi кераклигини англатади. Турли жамоалар ўз манфаатларини миллат заари учун қаратмасликлари шарт. Бу бандга Сингапурдаги ирқий ва диний уйғунлик яққол мисол қилиб келтирилади. «Жамият ўзингдан устун» дейилган иккичи компонент жамият манфаатлари шахс манфаатларидан устун бўлиши кераклигини таъкидлайди. Бунга кўра, ҳар бир шахс бутун жамиятни яхшилаш учун шахсий имтиёзларидан воз кечиб, муроса қилишига доимо тайёр бўлиши керак. Умумий қадриятлар «Оқ китоб»да сингапурликларнинг миллый манфаатлар учун «шахсий қурбонликлар» қилишга тайёрлиги у ердан Британия қўшинларини олиб чиқиб кетиш каби ўтмишдаги қийинчиликларни енгисх ва шу тариқа барча учун

# РИВОЖЛАНГАН СИНГАПУР МИСОЛИДА МИЛЛИЙ ҒОЯ ИСТИҚБОЛИ

Кўпдан бери «ғоя» сўзининг таржимаи ҳоли билан қизиқаман. Унинг луғавий маъноси ё унга берилган жимжима таъриф-тавсифлар эмас, бу сўзниң ҳаётимиздаги ўрни ҳақида кўпроқ ўйлайман. Ўқиган китобимнинг, кўрган фильмимнинг ғояси ҳақида бош қотираман. Тарихга қарасак, инсоният қадим замонлардан бошлаб ғоянинг қийматини чуқур англа бетганини кўрамиз. Ғояларнинг тури кўп. Санъат ва адабиётдан тортиб илм-фангача ғоялар соҳанинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Кишилик жамиятлари ҳам доимо маълум ғоя остида бирлашиб келган. Аслида ҳам шундай, соғлом миллат ҳамиша маълум ғоя атрофига бирлашади. Гап миллый ғоя ҳақида кетар экан, ҳар томонлама тезлашган бугунги замонда, унинг аҳамияти ҳар қачонгидан кўра юқорироқ. Миллый ғояси йўқ давлатлар ривожланиш ҳақида фақат орзу қилиши мумкин. Миллый ғояси пуч давлатлар ҳам тараққиётта яқин йўлларда тентираб юраверади холос.

Кўшма Штатларида «Америка орзуси» ғояси халқни бирлаштирувчи ва олға ундовчи куч ҳисобланади. Бу ғоя Америка халқини фаровонлик ва тараққиёт томон ҳаракатлантирадиган туртидир. Осиёнинг ривожланган мамлакатларидан бири бўлмиш Японияда миллат, Ватан, тақдир каби тушунчаларнинг уйғунлиги асосий миллый ғоя сифатида қаралади. Бунда ҳар бир япон фарзандига Ватан ва миллат учун яшаш унинг тақдирни экани ўқтирилади. Худди шундай ғоя Хитойда ҳам амал қилади. Уларнинг асосий ғояси «Она Ватанга хизмат қилиш ва садоқат кўрсатиш» ҳисобланади. Ҳар бир хитойлик болалигидан ўзининг қисмати Ватан билан чамбарчас боғлиқ эканини чуқур англашга ўргатилади. Германияда миллатнинг



«кatta мұваффақиятга олиб бориши калити» сифатида белгиланған. Бу сифат миллатнинг кейинги тараққиеті учун әнг зарур жиҳат деб ҳисобланған.

### ОИЛА ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ БИРЛИГИ СИФАТИДА КҮРИЛАДИ

Бу қадрият жамиятнинг әнг мұхим таркибий бүгіни ҳисобланған ва барқарор жамият барпо этувчи оила яхлителгини құллаб-құвватлады. Оила нафақат болалар учун хавфсиз ва ғамхұр мұхитни таъминлайдындар даргох, балқи кексалар учун қадр-қиммат түйгүларини ўрнига қойып, уларға ғамхұрлық қилиш фазилатини каттаю кичикка сингдирадын мұқаддас маскан. Бу қадрият сингапурлукларни кексаларға ғамхұрлық қилиш масъулиятидан қочмасликка ёки оиласы заифластирадын ёлғыз ота-оналиқ каби мүқобил турмуш тарзини ҳам танқид қылмасликка қақырады.

### ЖАМИЯТНИНГ ҚҰЛЛАБ-ҚҰВВАТЛОВИ ВА ШАХСГА ҲУРМАТ

Ушбу қадриятнинг мұхим таркибий қисми Сингапур жамиятидаги ҳар бир шахс ҳурмат қилиниши ва бузилиши мүмкін бўлмаган ҳуқуқларга эга эканлигини таъкидлашдир. Бу шунчаки бошқа одамга нисбатан юзаки ҳурмат эмас, балқи инсонни ардоқлаб, уни чин дилдан қадрлашдир. Бу жиҳат жамият билан шахснинг бир-бирига әзтиборини мувозанатлаширади. Ушбу үмумий қадриятнинг яна бир жиҳат жамиятнинг шахсни құллаб-құвватлашга, хусусан, кам таъминланғанларга ҳамдардлар кўрсатишга бўлган әхтиёжига ургу беришдир. Кўплаб хайрия уюшмалари ва кўнгиллilarдан иборат ижтимоий хизматлар жамиятни құллаб-құвватлашга мисолдир. Бундай саъй-харакатлар фаровонлик давлати «тузоқ»ларидан қочишига ёрдам беради ва сингапурлуклар орасида «қарамлик менталитети» ривожланишининг олдини олади.

### МОЖАРО ЭМАС, КОНСЕНСУС

Бу қадриятдан мақсад консенсус ҳар қандай мунозара ёки баҳснинг якуний натижаси бўлиши кераклигини кўрсатишидир; қарама-қаршилик эмас, балқи конструктив мухокама консенсусга эришиш воситаси бўлиши керак. Сингапурлуклар конструктив мухокамаларда самимий ва миллий манбаатларни илгари суриш ниятида иштирок этишлари керак. Бу қадрият жамоатчилик – фуқаролик муносабатларидан ташқарига ҳам чиқади: у касаба уюшмалари ва иш берувчилар, жамоалар, оиласалараро ва тижорат соҳасидаги низоларга ҳам тааллуклидир. Жамиятда ҳар қандай низони қандай бартараф этиш эмас, ўша низога йўл қўймаслик кайфиятини шакллантириш лозим. Мабодо юз берган тақдирда ҳам келишув орқали ўртадаги

келишмовчиликни унудиши фазилати ҳар бир сингапурликка миллий қадрият сифатида юқтирилади.

### ИРКИЙ ВА ДИНИЙ ҮЙҒУНЛИК


Бу қадрият Сингапурда иркӣ ва диний үйғунликни саклаш мұхимлигини кўзда тулади. Үмумий қадриятлар битилган «Оқ китоб»да таъкидланғанидек, иркӣ ва диний тотувлик миллат фаровонлигининг асосидир. Шунинг учун жамиятнинг барча аъзолари, хоҳ улар хитойлик, хоҳ қўпчилик ёки этник

Шу тарзда ФАТ дарслари үмумий қадриятларни тўлдиради ва мустаҳкамлайди, шунингдек, «Умумий қадриятлар»ни ёш авлодга сингдиришнинг әнг асосий воситаси сифатида қаралади. Қолаверса, Сингапурда шундай қараш шаклланғанки, барча отоналар фаровонларини әнг аввало, яхши фуқаро қилиб тарбиялаши шарт.

Сингапурнинг бугунги тараққиетида «Умумий қадриятлар»нинг ҳам катта хиссаси бор. У мамлакатнинг умумтафаккури ва миллат сифатида

ва бўлинниб кетган қатламларни бирлаштиришнинг уддасидан чиқадиган миллий ғояга зарурат пайдо бўлди. Сингапурнинг «Умумий қадриятлар» ғояси жамиятдаги бўлнишилар ва зиддиятларнинг олдини олиб, уларни бирлаштирган.

Зоҳиран қараганда, жамиятнинг әхтиёжи бор бўлса ҳам одамларнинг бугунги ҳаётida миллий ғояга зарурат йўқдай кўринади. Қанчалик аччик бўлмасин, ҳалқ орасида моддий әхтиёжлардан ортиб, маънавий әхтиёж ҳақида



оциликларга мансуб бўлсин, уларнинг ўзгача қарашлари ва әзтиқодларига әзтибор бермаслик, миллат тараққиети учун үйғун жамиятни саклаб қолишилари жуда мұхимдир.

### УМУМИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЖАМИЯТГА ҚАНДАЙ ТАТБИҚ ЭТИЛДИ?

Дастлаб Сингапурда «Умумий қадриятлар»ни қандай амалга ошириш ва тарғиб қилиш бўйича бир қатор таклифлар мавжуд эди. Буларга қонунлар қабул қилиш ва қадриятларни қонунга айлантириш, уларни конституцияга қўшиш, жумладан, давлат мадҳиясига киритиш, уларни қўшиққа айлантириш, оммавий ахборот воситалари орқали эфирга узатиш ва ҳатто үмумий қадриятлар учун маҳсус ёдгорлик ўрнатиш кўзда тутилган. Охир-оқибат, ушбу қадриятларни сингдиришнинг әнг фойдали усули бу мактаб, айниқса фуқаролик ва ахлоқий тарбия дарслари ҳамда оиласа отоналарнинг ёрдами, деган қарорга келинди.

Фуқаролик ва ахлоқий тарбия дарслари олтита асосий қадриятга қаратилган: **ҳурмат, масъулият, ҳалоллик, ғамхұрлық, чидамлилик ва үйғунлик**. Бу дарслар намунали хулқ-атворга эга бўлган шахс, шунингдек, давлатга ҳар томонлама фойдали фуқарони тарбиялаб, камолга етказишни мақсад қилади. ФАТ дарсларининг олтита асосий қадриятидан тўрттаси – ҳурмат, масъулият, ғамхұрлық ва үйғунлик «Умумий қадриятлар»дан олинган.

шаклланыш жараёнига катта таъсир кўрсатган. Сингапурда яшовчи ҳалқлар Сингапур ҳалқи номи остида бирлашган. Бугунги кунда ахоли сони бўйича 115-ўринда туради, 2021 йилги ҳисб-китобларга кўра, Сингапур ахолиси сони 5 млн 867 мингни ташкил этади.

### БИЗ УЧУН ТАЖРИБА

Сингапурда кўп миллатлилик, турли динлар масаласи үмумий ва ягона қадриятларни шакллантиришга турткі бўлган. Бу Сингапур жамиятидаги вазиятдан келиб чиқсанда әнг тўғри ва одилона қарор сифатида қаралган.

Хозирги ахборот замони тезлашган бир паллада жамиятнинг интеллектуал қатлами орасида қадриятларга нисбатан «ола қараш» кайфияти пайдо бўлаётгани хавотирили. Чунки асрлар давомида шаклланган қадриятларга стереотип сифатида қараш, уларнинг қайси яхшию, қайси ёмонлигини ажратмасдан туриб, эскиллик сарқити ўлароқ кўриш, анъаналарни қабул қилмаслик замон тили билан айтганда, «мода»га айланиб улгурди. Жамиятда қадриятлар таназзули бошланди. Натижада турли кайфиятдаги қатламлар ўртасида зиддият юзага келди. Бундай вазиятда қадриятлар аслида стереотип эмаслиги, улардан батамом воз кечиш эмас, маълум маънода янгилаш ва замонга мослаштириш лозимлигини тушунтира оладиган

ўйловчилар сони жуда оциликтин ташкил қилади. Шу сон кўпайсагина, миллатнинг миллат сифатида тараққиети, дунёда ўз ўрнини топишига эришиш мүмкін. Миллат эса ягона миллий ғоясиз, ягона мақсадсиз яқдил бўла олмайди.

Сингапур давлати кўп миллатли ҳалқини ягона «сингапурлик» номи остида бирлаштира олди. Шу ерда туғилди, шу ерда яшайди, шу жамият учун хизмат қилади, демак, у – сингапурлик, дея үқтирилади. Бизнинг жамиятимизда ҳам «ўзбекистонлик» тушунчасига кўпроқ ургу бериси керак деб ўйлайман. Табиийки, миллий ғоя ҳам «ўзбекистонлик» тушунчасидан келиб чиқсан ҳолда шаклланади. Шу мамлакатда туғилиб, яшаб, ўқиб, ишлаётган ҳар бир фуқаро ўзини бегона миллат эмас, «ўзбекистонлик» деб ҳис қилиши ва шу ҳалқ манфаатларини ўзининг шахсий манфаати дея билиши зарур. Жамият қачонки қорин ғамидан кўтарила олса, бу каби масалалар устида ҳам бош қотира бошлайди.

Шу маънода Сингапур тажрибасини ўрганиш биз учун ҳар томонлама фойдали бўлади. Аслида уларнинг «Оқ китоб»ида Америка кашф этилган эмас, биз учун ҳам таниш гаплар. Фарқи шундаки, улар бутун миллат бу қадриятларни ўзида сингдиришига эриша олган.

**Хуршид СЕРОБОВ,**  
**Республика Маънавият ва**  
**маърифат маркази ҳузуридаги**  
**Ижтимоий-маънавий**  
**тадқиқотлар институти**  
**илмий ходими**



# ИРОГИ



# АВАЗ

# ИРОГИ

Чори АВАЗ... Бу дунёда капалак умричалик яшаб (навқирон 35 ёшида қазо қилганди), оғир ва машаққатли хаёт йўлларини босиб ўтган бўлса-да, ортидан катта маънавий бойлик қолдириб кетди. Ўзбек адабиёти, хусусан, миллий шеъриятимизда

Чори Авазнинг ўзига хос услуги, муносиб ўрни, бекиёс хизмати бор. Шахсан мен 80-йиллар охири ва 90-йиллар оралиғида бу камтарин, хокисор инсондан кўп ва хўб яхшиликлар кўрганман. Панд-насиҳатлари, йўл-йўриқлари туфайли заҳматли синовларни енгиб ўтганман. Ундан ажойиб, ўлмас хотиралар қолди. Ўзимнинг туғишган акамдек иззатлар эдим, ҳар доим ким, қаердан бўлмасин, кўлидан келгунича эзгулик улашарди раҳматли.

Яқинда «Адіб ва жамият» сериясида босилган «Кўнгилдан кўчирмалар» деб номланган китобимда Чори ака билан кечган айrim унтилмас хотира ёзувлари бор.

\*\*\*

1989 йил...

15 март, чоршанба.

Нихоят, Рустам Мусурмонни (иқтидорли шоир, айниқса, баҳшиёна оҳанглардаги шеърлари довруқ козонган, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ишлайди, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими», «Қорақалпоғистон халқ шоири» унвонлари соҳиби. Китоб туманидаги Яккутат қишлоғига туғилган. Абитуриентлик маҳали танишганимиз, онаси жуда меҳрибон аёл эди, отаси эса зиёли, шоиртабиат инсон эди, Аллоҳ раҳмат қилсин уларни) ҳам уйлантириб қайтдик...

1992 йил...

Августнинг охирлари эди, шекилли. Қашқадарё вилояти ҳокими Темир Хидиров ташаббуси билан пойтахтда яшаб ижод қиласётган қаламкашлар иштирокида «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ресторанида катта байрам тадбири ўтказилди. Ўша кечада ҳамма яйради. Лекин...

Бир маҳал сўз навбати «Ёш ленинчи» (кейинги «Туркистан» – «Ёшлар овози») газетаси бош муҳаррири ўринбосари, таниқли адиб Қулман Очилга берилди. У мустақилликнинг бир йиллиги билан барчани табриклиди ва... шундай мазмунда фикр-мулоҳаза билдириди: «Оғайнилар, биз, қашқадарёлик ижодкорлар бугун маза қилиб мана шу муҳташам ресторонда байрам қилимиз, бу яхши, албатта. Аммо, хабарларнинг борми-йўқми, билмайман, ТошМИда ажойиб шоир дўстимиз Чори Аваз ўлим билан олишиб ётибди. Агар имконимиз бўлса, қурбимиз етса, келинглар, ўша йигитнинг ҳолидан бир хабар олайлик».

Даврага сокинлик чўқди. Вилоят раҳбарларидан бири ёнидагиларга ниманидир тайинлади. Тўғриси,

уларнинг хастаҳол шоир ҳолидан хабар олган-олмаганидан бехабарман...

18 октябрь, жума.

...Чори аканинг оғир ахволалигини аввалроқ эшишиб, кўшработда яшайдиган курсодиши Шодиёрга бир келиб-кетишини ҳам тайинлаган эдим. Чунки Чори Аваз, Мусулмон Намоз учовимиз Қўшработга Шодиёр яшётган Кесовли қишлоғига кўп борганмиз. Қайтишимизда Масан момомиз (2014 йили дунёдан ўтди) ҳар биримизга атайлаб олиб кўйган қора майиздан илинарди...

Хуллас, ўшанда Чори ака жуда қийналиб ётган эди. Иккι буйраги ҳам ишламай колувди бечоранинг. Қачон борсак, кўнглини кўтариб қайтамиз. Ташқарига чиққач, эзилиб кетамиз. Бугун шоир Икром Отамурод ва журналистлар Асқар Ҳайдар, Ҳаким Сатторий билан бирга кўргани ўтдик.

Ўша куни Самарқанддан Шодиёр ҳам келганди. ТошМИга бордик. Чори Аваз ухлаётган экан. Ёнида акаси ва шоирнинг аёли Зебо Омонова ўтирганди. Зебо бизлар билан саломлашиб, секин чиқиб кетди. Акаси билан шивирлашиб гаплашаётгандик, бир маҳал Чори ака илкис уйғонди. Шодиёр бош тарафида унга термулиб ўтирганди. «Э, Шодиёр, қачон, қандай етиб келдинг, ишонасанми, ҳозир тушимда сени кўраётвидум, Ҳудойим чорлаб турар экан-да», деди. Кейин аравачага ўтиргизиб, ташқарига олиб чиқдик. Қизик хотираларни эслашдик. Амирқул Карим (иқтидорли шоир, «Олтин мерос» фонди раиси, газетчилик, журналистика соҳасида тажриба ортиришимда бекиёс хизмати сингган инсон), Мухтор Комил (ажойиб шоир эди, 2018 йил баҳорда нохуш ҳабар тарқалди, бутун ҳаёти гаройиб саргузашлар билан кечган дўстимиз дунёдан ўтди...) келиб қолди.

Чори ака Мухторнинг папирос чекаётганини кўриб, «Қани, дўстим, менгаям бир тортим беринг-чи», деди. Акаси «Чори, дўхтирлар чекмасин деяпти-ку, кўй, керакмас», деганди, кўл силтаганча, «Майли-ю, лекин, бир бошда бир ўлим-да, хумори тутяпти, ака, нима қилай», деб Мухтор Комил ёндириб узатган сигаретни босиб-босиб уч-тўрт марта тортди...

\*\*\*

Орадан кўп вақт ўтмади. Ҳаётнинг даҳшатли кўргиликлари, Тошкент ва Қашқадарё орасида кечган саргардонликлар, устига-устак, пойтахтнинг турли бурчакларида заҳ босган, эски ижара уйларга кўчавериб-кўчавериб ортирилган хасталиклар Чори акани қирчиллама 35 ёшида бу дунёдан олиб кетди. Ҳайриятки, ёнида мунис ва меҳрибон умр йўлдоши Зебо унга суняч бўлди, тиргак бўлди.

Таъзиясига улгуролмадим. Орадан икки-уч кунча ўтиб, ўлга тушдим. У маҳаллари ўйлазоби – гўр азоби эди. Бир илож қилиб Яккабоғда яшайдиган қариндошларимни гача етиб бордим. Охири раҳматли Жуманазар жиянимнинг эски «Москвич»ида Ғузорга йўлга чиқдик. Бензин тақчил эканда. Жўнашимизда ҳар доим ҳазил-хузул қилиб кайфиятини кўтартаргувчи жиян ёзғирди: «Тоға, зўрга ўн литр бензин топдим, кетдик, фақат битта шартим бор, гувоҳномангизни менга берасиз, ўзим биламан»...

Қамашининг Қизилтепасига етиб боргач, совхоз идорасини кўрсатиб, қани, мухбир ака, бензин тугади, шу ёққа бир кирамиз, деса бўладими. Ноилож тушдим. Нима дейман, минг истиҳола билан ичкарига кирдим. Мажлис бўлаётган экан. Котиба аёл газетадан эканлигимни эшитиши билан оқиб кетди. Бир киши ҳаллослаб югурб келди, қани, меҳмон, хонамга кирайлик, мен парткомманд ака, хўжайн ҳозир беш минутда чиқаман, деди. Тинчлики ишқилиб, деб қўяди гап орасида. Бу одамнинг хуштавозелигидан ўзим уялиб кетяпман. Жуманазар жиян бўлса, ҳар-ҳар замонда эшиқдан мўралаб қўяди.

Нихоят, совхоз директориям шоша-пиша келасолиб, эски қадронлардек қуюқ сўраша кетди. Имкони борича гапиртиргани қўйишмайди. «Шопир»нинг қўлтиғидан олиб хонага етаклаб киришиди. У бўлса сезидирмайгина менга қараб мийигида кулиб қўяди. Бир пиёла чой устида гурунг қизиди. Мен охири Ғузорга, Тожик қишлоғига қиёматли бир шоир акамнинг фотиҳасига ўтаётганимни айтuvдим, мезбонларнинг ҳаммаси қўлларини дуога очиб, бандалик деб таъзия билдиришиди. Бирори ҳаяжон билан: «Мен билардим Чори Авазни, жуда зўр шоир эди, Абдулла Ориповнинг шогирди эди шекилли, нима дедингиз, тўғрими?» деб қўди.

Бир маҳал эшик тақиллади. Парктом жиянни имлаб чақирди. Мен ҳам аввалига ҳайрон бўлдим. Хайрлашиб чиқаётганимда сездим. Йўлга тушгач, жиян кулиб юборди: «Э, соддагина тоғамей, кўрдингизми бизнинг одамларни, журналист келди, деса, ўзларини томдан ташлайди. Ҳурматларингиз бор-да, энди мендан эшитинг буёнини. Машинамнинг шу пайтгача бирор марта баки тўлмаганди. Биринчи бор бурнидан келди бензин. Ана энди Қашқадарёни бир айланиб чиқсангизам кетавераман».

Пешин маҳали Чори Аваз туғилиб ўсан Тоҷик қишлоғига етиб бордик. Ҳар гал катта йўл устида жойлашган гўшадан гоҳи поездда, гоҳи машинада ўтиб қолсан, жуда иссиқ қўринарди бу ердаги манзаралар. Боиси Чори аканинг талабалик йилларида ва уйланиш тўйида, кейин эса Қаршига қайтиб келган маҳалларда ҳам уларнига кўп марта келганди. Иккимиз роса дардлашиб, пастаккина ҳовлисида ҳашар қилганида кўмаклашганман, муштипар онаизорининг маҳзун ҳикояларини эшитганман.

Менинг келганимни эшитиб, акаси, қишлоқдош дўстлари бир зумда тўпланишди. Анча гурунглашиб, жондай жигаримга айланиси қолган инсон ҳақидаги ёруғ хотираларни эслашдик. Акаси кўзларида аламли ёш билан сўзлади: «Сизни, Шодиёрни, Мусурмонни жуда яхши кўрарди, улар ҳам неча марта қишлоғига келишган, ТошМИда кўришдик-ку ўшанда, қаранг, тушида Шодиёрни кўриб ётган экан-а, уйғонди-ю, қотиб қолди ўзиям. Сизлар келиб-кетдинглар, хеч қанча вақт ўтмади орадан, кейин жони узилди»...

**Норқобил ЖАЛИЛ,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган журналист,  
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

**«Афғон уруши...**  
**Кимга керак бўлган**  
**экан ўзи бу номинг**  
**ўчгур уруш?!»**  
**Сайёра опа шу**  
**сўзларни айтар**  
**экан, кўз ёшларини**  
**артиб, чуқур нафас**  
**олди. Олтмиш**  
**саккиз ёшни**  
**қоралаган, меҳнатда**  
**тобланганлиги**  
**кўриниб турган,**  
**янга бўла**  
**туриб худди**  
**ўз дилбандини**  
**йўқотган**  
**онадек ўртаниб**  
**гапираётган бу**  
**аёлнинг сўзларини**  
**бўлмайман.**



– Мен Юсуповлар хонадонига келин бўлиб тушганимда Фурқатжон 9 ёшли бола эди, – деб эслайди Сайёра опа. – Қайним жуда зукко, меҳрибон, ақлли ва меҳнатсевар эди. Турмуш ўртогим билан ўртамиизда тушунмовчилик бўлиб қолса, мендан ширин сўзларини аямасди. Орзуларини айтиб, Ватанимизга фойдам тегадиган инсон бўламан, дер эди. У Жиззах шаҳридаги Оққўрғонлик маҳалласида жойлашган 8-умумтаълим мактабини тамомлаб, Жиззах политехника институтига ўқишига кирди. Кунларнинг бирида ҳарбийдан чақирув қозоzi келди. «Мана, мен ҳам ҳарбий хизматга борадиган бўлдим», деган эди ўшанда ғурурланиб. Ҳарбий хизматни 18 ёшида 1984 йил сентябрь ойида Сурхондарёда бошлади. Шу орада қайnotам ва қайnonам бориб, кўриб келишиди. Хатларида «мен яхшиман, хавотир олманглар», деб ёзарди. Олти ойдан сўнг Афғонистонга жўнатишиди...

Хаёлимда афғон урушига доир маълумотлар, манзаралар жонланади. Бу заминда қарийб ярим асрдан буён нотинчлик. Минглаб одамларнинг ҳаётдан кўз юмиши... Маълумотларга кўра, жангларда 15 мингдан ортиқ совет ҳарбий хизматчиси нобуд бўлган, деярли 35 минг жангчи жароҳатланган, 400 дан ортиқ ҳарбий хизматчи бедарак йўқолган. Бесамар урушда Ўзбекистондан жами 64 500 нафар йигит иштирок этган экан. Уларнинг 1 522 нафари бугун орамизда йўқ, 2 500 нафардан кўпроғи бутун умрга ногирон...



# ОНАЛАР КАЛЬИДА... МАНГУ АСКАРЛАР

Сайёра опанинг сўзларига қулоқ тутаман.

– Хатларида «қанчадир масофани пиёда босдик... мен соппа-соғман, хавотир олманглар...» каби сўзлар ва ўзи ёзган шеърларни жўнатарди.

Афғон жанггоҳидан соғ-омон қайтсан,  
Азиз Ватанимни гулга чулғайман.

Мабодо фанода хок ичра ётсан,  
Ижрони дўйстлардан умид қилғайман,

деб ёзган эди бир мактубида. 1984 йил сентябрь ойида келган хатида қайnonам Норхон аяга атаб шеър ёзиби:

Қабул эт, онажон, ушбу кун ўғлинг,  
Олис ўлкалардан битур бир калом.  
Ёд этиб, соғиниб, сенинг номингга,  
Афғонистон элидан йўллайди салом.  
Фам чекма, онажон, ўғлим йирок деб,  
Фарзандим, дилбандим мендан йирок деб,  
Пайтлар ҳам келадир хизматим битиб,  
Қайтарман бағрингга сени шод этиб.  
Тилагим, онажон, хуш бу жаҳонда,  
Яшнагин қуёшдек минг йиллар обод,  
Саломат бўлгин сен дея соғинч-ла,  
Сенга салом йўллар ўғлинг Фурқатжон!

Мен ўқитувчи бўлиб ишлардим. 1985 йил 4 ноябрь куни ишхонамга совуқ хабар келди. Шошиб уйга борсам, ҳарбий формадаги йигитлар темир тобут кўтариб, уйга кириб бораарди. Ҳовлимизда қиёмат... Ўйдагилар дод солишиди. Ишонишмади. Кейин... не кўз билан қарасак, Фурқатжон... бир томони... қўл ва оёклари куйиб кетганди. Аскарларнинг айтишича, минани босиб олган ва бош қисмининг орқа томонидан ўқ еган. Фурқатжонни ҳарбийга кузататётганимизда бола мисоли эди. Бўйлари узун бўлиб, нурли бўлиб ётарди...

Онаси – қайnonам куйиб-ёнди... Энг даҳшатли, юракларимизни титратадиган ҳодиса Фурқатжонни тупроққа қўйганимиздан кейин бўлди... Анча пайтгача унинг Афғонистонда туриб ёзган хатлари келиб турди...

Бу мактублар қалбларимизни чилпарчин қилса-да, ёруғ бир умид уйғотарди. Балки...

Қайnonамнинг кундан кунга аҳволи оғирлашиб борди. 1990 йил октябрь ойида фарзанд додига бу оламни тарк этди. Кейин қайнотам ҳам...

Ўзбекнинг бўз бир ўғлони Фурқат Юсуповнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Жиззах шаҳридаги 25-умумтаълим мактабига унинг номи берилиб, мактаб ҳовлисига унинг сиймоси акс этган ҳайкал ўрнатилди.

Бу сатрларни ёзар эканман, бугун Қуролли Кучларимиз таркибида хизмат қилаётган ўғлонларимизни кўриб, сухбатлашиб, улар учун яратилган шароитларни, жанговар машқларини кузатиб, аввало, Яратганга шукурлар айтаман. Уларга муқаддас юртимизни қўриқлаш йўлидаги хизматларида муваффақият, метин ирода, енгилмас куч-қудрат тилайман.

Миллий армиямизнинг 31 йиллик тантаналари давом этаётган шу кунларда хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган йигитларимизни хотирлаб, уларнинг ҳаққига дуолар қиласман.

Юртимиз тинч, суюнган тоғларимиз – мард ўғлонлар омон бўлсин!

**Нилуфар АЛЛАМУРАТОВА,**  
**Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги**  
**Жамоатчилик кенгаши**  
**Жиззах вилояти бўлими**

Биз ўтирган поезд ўкириб, пишкисирип зим-зиё зулмат кўйнига шиддат билан сингиб борарди. Чароғон, гавжум шаҳару қишлоқлар ҳаш-паш дегунча ортда қолди. Хурпайган, диккайган қир-тепаликлардан иборат кимсасиз яйдоқ дала-дашт бошланди. Темир гилдиракларнинг «тарақа-турӯқ» товуши гоҳ кучайиб, гоҳ сусаяр, вагонлар бамисли бешикдек таборан эди.

Купеда бор-йўги икки кишимиз. Ҳамроҳим – ёш бўлишига қарамай, ҳарбий мундири погонида қўш йирик юлдуз ярқираб турган зобит йигит ўта камгап, жиддий ва сипо экан. Енгил салом-алиқдан сўнг об-ҳаво, йўл азоби ҳақиқа уч-тўрт оғиз гаплашганимизни хисобламаганда, у купе деразасидан ташқарига хаёлчан термилган кўйи жимжит келарди. Мен эса олди-қочдиларга лиммо-лим газетага термилганман. Бир пайт зобит йигит илкис ўрнидан қўзғалди. Купе деразасига юз тирагудек даражада яқин бориб, коронглилар қаърига жон-жаҳди билан тикилди. Шу алфозда бир лаҳза қотиб қолди. Мен ҳам қизиқсиниб купе деразаси ортидаги зулмат томон алангладим. Бироқ арзигулик ҳеч нарса кўролмадим. Иллаганим шу бўлдик, олис-олисларда, балки чўпон ўтовидадир, митти бир шуъла пирприраб турарди.

«Ҳамроҳим туғилиб-ўсган ерлар бўлса керак», хаёлан шу хулосага келдим.

Бироздан сўнг зобит йигит ўйчан ўрнига қайтиб ўтириди. Юз-кўзларида андак ҳаяжон, андак қувонч шарпалари кезиб юрарди.

– Ҳайрон бўлиб қолдингиз-а, – деб жилмайди у мен томон айбдорона кўшташлаб қўяркан.

– Ҳа. Ҳарбийларни қизиқтирадиган нима бор экан, деб мен ҳам алангладим. Лекин милтиллаб турган чирокдан бошқа ҳеч нарса кўрмадим.

– Мен милтиллаб турган ана шу чироқни томоша қилдим.

– Йўғ-е?! – дедим чинакамига ажабланниб. – Унинг нимасини томоша қиласиз?

Зобит кулди.

– Қоп-қора кечада милтиллаб ёниб турган шундай чироққа кўзим тушса, беихтиёр ҳаяжонланиб кетаман. Ҳудди сеҳрлангандай қараб қоламан. Чунки у ҳамиша ҳаётимда юз берган бир фалати воқеани эсимга солади.

– Қанақа воқеа экан, биласак бўладими ё ҳарбий сирми? – дедим ҳазил аралаш.

– Бемалол. Истасангиз, айтиб бераман.

Зобит йигит жавобини ҳам кутмасдан худди ўз-ўзига сўзлагандай гап бошлади.

\* \* \*

Рост, бу воқеанинг ҳарбий билан боғлиқ жиҳатлари ҳам бор. Шу сабаб ортиқча тафсилотларга тўхтамайман. Буни тўғри тушунасиз деган умиддаман.

Хуллас, таҳсилни битириб, маҳсус қисмда ҳарбий хизматни бошлаган кезларим эди. Бир куни эрта тонг мени қўмондонликка чақириб қолишиди. Вазият жуда жиддий экан.

Мамлакатимизнинг баланд тоғлар билан ўралган шаркий чегара ҳудудларида куролланган ёт унсурлар пайдо бўлишибди. Маҳсус отрядга бош бўлиб, куролли тўдани топиш, хавфни бартараф қилиш вазифаси менга юклатиди. Биз зудлик билан белгиланган ҳудудга этиб бордик.

Чор атроф баланд тоғлар, юксак чўққилар, тубсиз даралар билан ўралган. Тоф ён бағирлари қучоқ, ям-яшил арчазор. Бутун борлиқда соғлиқ, сукунат ҳукмон. Қорли қоялар томондан муздек шамол ўсади. Саратоннинг авж палласи бўлишига қарамай, бу ерларда жуда салқин эди. Ҳатто кечки пайт анчайин совуқдан этларимиз жунжика бошлади.

Отряд ўн беш кишидан иборат эди. Ҳаммалари ҳам машғулларда обдан чиникан,

кўзларида ўт чақнаб турган ёш аскарлар. Тўғриси, чинакам жанговар топшириққа биринчи марта чиқишим бўлгани учунни, ҳар нечук қаттиқ ҳаяжонланадим. Яна ҳам очигроқ айтсан, юрагимда анча-мунча қўрқув, хавотир ўрмалаб юрарди. Йўқ, душмандан, қонли жангдан чўчиганимдан эмас, бошқа бир шубҳа-гумонлардан кўнглим хира эди. Биринчидан, тажрибасизлик, фўрлик қилиб хатога йўл қўшишдан, аскарларни бехуда фалокатларга йўлиқтиришдан қўрқардим. Иккинчидан... иккинчидан, ҳали Ватан учун ёлчитиб хизмат қилмай туриб, аллақандай бир ҳовч аламзаданинг ўқига дучор бўлишини сира истамаётгандим. Назаримда, шундай хавотирли хаёллар бошқа аскарларнинг ҳам кўнглидан кечмоқда эди. Лекин улар чинакам эр йигитларга, ўғлонларга хос матонат, ирода билан бундай ҳис-туйфуларини билдиришмас, ўзларини тетик ва пописанд тутишарди.

Белгиланган ҳудуднинг ярмисини назоратдан ўтказиб бўлар-бўлмасимиздан кеч тушди. Тогу тош ҳаш-паш дегунча қоп-қора чодир остига бурканди. Отрядга дам олишга, кечки тамаддига рухсат бердим. Бунинг учун, албатта, қулайроқ жойга ўрнашиб олдик. Шу пайт биздан анча наридаги қоя ортидан текширувдан ўтказиша юборилган икки нафар аскар қайтиб келди.

– Дара томонда бир чироқ милтиллаб турганини кўрдик, – деб ахборот берди улардан бири ҳаяжонланиб.

Мен дарҳол улар билан қоя ортига бордим. Чиндан ҳам, анча олисада тор бир ялангликда қандайдир шула элас-элас кўзга ташланарди. У ерда қандайдир тирик жон борлиги шак-шубҳасиз.

Биз шоша-пиша қўналғага қайтдик. Сўнг мен отрядга зарур топшириқларни бериб, ўрнимга ёш бир зобитни бошлиқ этиб тайинлагач, ёнимга ўша икки аскарни олиб, шула милтиллаган ёққа жўнадим.

Чор атроф зим-зиё. Қоронглиқда тоғу тош янада ваҳимали ва сирли туюлади. Хурпайган арчалар, ғўддайган ҳарсанглар юракларда алланечук саросима ўйтоди. Бошимиз узра сарабр кетган учқунлардек юлдузлар ловиллаб туриди. Гўё қўл узатсанг етадигандек туюлади. Ёнимдаги аскарлардан бири жуда ҳазилкаш экан. Қулайроқ бир жойда нафас ростлаш учун чўнқаярканимиз, ў қўкка гўё интиқлик билан аланглаб шивирлади.

– Эҳ, бу юлдузлар қаҷон погонимизга қўнгаркин-а!

Енгил кулишдик. Бироздан сўнг яна олға юрдик. Мен ўша милтиллаган шуълани бир зум ҳам кўздан кочирмай одимлардим. Назаримда, у икки-уч марта кўринмай қолгандай бўлди. Ё учиб қолди, ё кимдир уни гавдаси билан тўсди. Бу ҳол ўша жойда сўзсиз кимдир борлигини яна ҳам тасдиқларди.

Судракланиб, пайпасланиб бир соатдан мўлроқ ўйл болсанимиздан сўнг ўша шуълага анча яқинлашдик. Мен маҳсус мосламали дурбинидан теваракни синчиклаб кузатдим. Чоғроқ ялангликда тошқолок, пастқамга кулба мунғайибгина туриди. Атроф жимжит. Тирик жон кўринмайди. Милтиллаётган шула кулбанинг кичкинагина деразасидан таралади. Демак, ичкарида кимдир бор.

– Менинг қарашимга ҳам рухсат этинг, – деб шивирлади ўша ҳазилкаш аскар.

Мен рози бўлдим.

– Адашмасам, бу ё чўпон отариё... ё... овчилар қулбаси, – деб мингирилди у дурбиндан анча пайт тикилгач.

Ҳа, аскарнинг гапларида жон бор. Бу яқин атрофда бирорта ҳам қишлоқ-овул учрамайди, демак, қўриб турганимиз кимладир курган вақтингчалик бошпана бўлса, ажабмас.

Мен аскарларни бир-биридан анча олисада бўлган икки нуқтага жойлаштиридим. Зарур топшириқларни бердим. Сўнгра ўзим ўхтиёткорлик билан кулба томон юрдим. Назаримда, биз қидириб юрган тўда айнан шу ерда жойлашган эди. Негадир кўнглимдан шундай шубҳалар кечарди. Лекин айни пайтда жанг бошлаш асло режамда йўқ эди. Мақсад – душман мэрраларини ўрганиб, уларнинг сон-саноғини аниқлаб, орта қайтиш эди.

Кулбанинг нариги тарафи бўйлаб кичикроқ сой оқиб ўткаркан. Сувнинг тошдан тошга урилиб, жилди-

раб оқиши бемалол қулоқча чалина бошлади. Лекин бошқа ҳеч қандай шубҳали сасларни илғай олмадим. Деразадан таралиб турган шула энди бемалол қўрина бошлади.

Мен қуролимни маҳкам сиқкан кўйи кулбага яқин бордим. Ҳаммаёқни синчиклаб кузатдим. Бутун борлиқ жимжит, соғ, салқин ҳавога бурканиб ётиди.

Мен писиб бориб деразадан ичкарига мўрладим. Ана! Соч-соқоллари ўsic қандайдир нусха фонус-чироқ ёруғида гимирлаб, аллақандай тугунчани титкилар, ғалати бир жисмларни шуълага тутиб, кўздан кечиради.

«Аник, тўдага йўлиқдим, – лип этиб ҳаёлимдан ўтди, – булар чегарадан қора дори олиб ўтвичиёт үнсурлар!»

Кулбанинг ғадир-будир деворига қалишган кўйи турарканман, юрагим гурс-гурс уради. Нима қилмок керак? Орта қайтиб, отрядни бошлаб келсам-микан?

Шундай хаёллар билан турган пайтим кулба ўшиги гийқиллаб очилди. Девор бурчагидан секин мўрладим. Қандайдир қора кўланка ўшик ёнида туриб, қўлларини, бош-бўйинларини у ён-бу ён тўғангандан кўйи енгил машқ-машғулот қиласди. Дарҳол орта қайтиб, тағин деразадан ичкарига мўрладим. Чироқ ёғдулари гира-шира ёритиб турган ҳужрада ҳеч ким йўқ эди.

«Демак, бу ерда бир ўзи экан», деб ўйладим қувониб.

Сўнг яна кулба бурчагига бориб, ўшик томон пусиб қардим. Ҳалиги кўланка ҳануз маш билан банд эди.

– Қимирлама, отаман! – деб автомат милини унинг биқинига тирадим.

Кўланка қўлларини баланд кўтарган кўйи тахтадек қотиб қолди.

– Менга ўғирил! – деб галдаги буйруқни бердим.

Кўланка қўрқа-писа бутун гавдаси билан менга юзланди.

– Кимсан?!

Мен... Турдиев Анвар... – деди кўланка гудраниб. Унинг товушида кўркувидан кўра ажабланиш, ҳайратланиш устуворороқ эди. Шу сабабни мен ҳам анча-мунча шаштимдан тушиб қолдим.

– Сендан бошқа бу ерда яна ким бор?

– Тоббеги бор эди. У эрталаб қишлоқида тушиб кетганди. Ҳали қайтмади.

– Ичкарида ҳеч ким йўқми?

– Ҳеч ким йўқ. Марҳамат, бемалол кираверинг.

Мен автомат мили билан ўшик томон ишора қилдим.

– Қани, йўл бошла!

Кимса арча ёғочидан кўпoldan-кўпold шасланган ичкарини гижирлатиб очди. Унинг ортидан пастқам, тор кулбага бош сукарканман, димомигма ҳар хил қовжироқ ўт-ўланларнинг иси гуп этиб урилди.

Тевараклари кирланиб кетган фонус-чироқ ичкарини хира-шира ёритарди. Кўп ўтмай, кўзим кўнишиб, бу ердаги жиҳозларни аниқ-тиниқ ажратса бошлади.

Ҳужра бурчагига қозон-товороқ каби ошхона жиҳозлари ўйиб кўйилган. Аллақандай кути устида уч-тўрт кўрпа-ёстик. Пастқам шинда йўнилмаган арча пўстлоқлари шокила-шокила осилиб турарди. Ўртада силлиқ бир харсангтош худди хонтаҳтадай жойлашган. Унинг устида фонус-чироқ, чироқ теграсида ҳалиги шубҳали нарсалар сочилиб ётариди.



– Сен кимсан ўзи?

– Мен шаҳарлик ўқитувчи-ман, – деди кимса аллақандай тошни нари-бери сурди менга жой ҳозирларкан, – ёзги таътил пайти режам бўйича токқа чиққандим.

– Қанақа режа?

– Э-э, командир, нимасини сўрайсиз, – деб кулид у бош тўлғаб, – биз, шаҳарлик ўқитувчилилар анча сунъиляшиб қолямиз. Масалан, мен ботаника-биологиядан дарс бераман. Лекин ҳақиқий ўт-ўланни тузук-куруқ қўлимга ушлаб кўрганим йўқ. Эмин-эркин юрган тоф жониворларини ҳали ўз кўзим билан кузатган эмасман. Шунинг учун бу ёзги таътилни мана шу тоғлар қўйнида ўтказиша қарор қилдим.

Мен кимсани зидан, синчковлик билан кузатарканман, унинг алдамаётганига ич-ичимдан икрор бўлдим. Қолаверса, унинг хатти-ҳаракати, қўл ишоралари, илҳомланиб гапиришлари чинакам муаллимларга хос

# ХУРЛИК

(вокеий қисса)



(Давоми. Боши ўтган сонларда)

## ЖАЛЛОДЛАРНИНГ ЯНА БИР ХУНРЕЗЛИГИ

– Ҳамма соғми? – қай биридир боши, қайси бири қўй ва оёғини сийпалаётган шерикларига гуноҳкорона қаради чаккаси қонталаш бўлиб турган Абдулмутал. – Эзма дўхтирдан бундай журъат кутмагандим.

– Ҳамма иш чаппасига кетяпти! – ғазабини босиш учун машинага бир-икки мушт туширди хумкалла Руслан. – Анави латтачайнар кўринмаяпти, қани ўзи? – атрофга нафрат билан олазарак қаради у.

– Жарроҳни топишимиз шарт, йўқса, режамиз барбод бўлади. У биздан тепароқда, йўлга яқин жойда бўлиши керак. Қани кетдик, – шерикларини тезлатди дўнгпешана. – Соғ бўлса, амирнинг олдига пиёда бўлса ҳам олиб кетамиз. Даволашга ярамас...

– Даволашга ярамаса, итваччани тилка-пора қиласман мен! – унинг сўзини давом эттириди хумкалла.

– Суягини майдада-майдада қилмасам, отимни бошка қўяман!

Жангарилар қалин буталар ичидан бир амаллаб тепага ҳаракатланишга тушди.

Юз ва қўллари тилинган жарроҳ эса бу орада юқорига эсон-омон чиқиб, нишаб йўлдан дам олиш маскани томон югуриб борарди. У машина қулаганидан сўнг террорчиларнинг бирин-кетин автоуловдан чиқаётганини кўргани сабаб вужудидаги оғриқни ҳам унтиби, олдинга қараб интилди. Унга айни фурсатда ҳар тонг югуриш машқи билан шуғуллангани асқататётганди. «Хабар беришим керак, террорчилар ҳақида хабар бермасам бўлмайди, – орада тўхтаб, орқасига қарай-қарай нафас ростлар, босқинчилар унинг изидан тушишини ҳис қилиб турарди. – Яхшики вақтида улгурдим, ана, дам олиш маскани кўринди. Үёғи шаҳарчага бир қадам...»

– Дўхтири кўзга ташланмаяпти-ку, наҳот қочиб қолган бўлса? – деди юқорига қараб ўрмалаётган жангарилардан бири.

# ФИДОЙИЛАРИ

– У йўлга яқин жойда бўлиши керак дедим-ку. Сакраганда оёғи синган бўлса, буталар орасига беркиниб ётгандир.

– Ўтлар, чангальзорлар ичини яхшилаб қаранглар, уни топмасак бўлмайди.

Жангарилар жарроҳни излаш асносида сўкина-сўкина бирин-кетин йўлга чиқди. Синчиклаб пастни кузатиши. Шифокордан дом-дарак йўқ.

– Биродарлар, мана бу из дўхтирники эмасми? – қурол ўқталганча пастликни текшираётган гумашталарини чақирди Мехмет.

– Вой ите-ей, у аллақачон йўлга чиқиб жуфтакни ростлабди-ку! – ҳайратини яширмади дўнгпешана. – Биздек профессионал жангчиларни латтачайнар дўхтири доғда қолдирса-я! Қани, югурдик, бизга панд беришни унга кўрсатиб қўямиз!

Тўрт жангари жарроҳ орқасидан тушди. Шу орада рация овоз берди.

– Сайд! – шерикларига тўхташ ишорасини қилди Дўнгпешана. – Унга нима деймиз, вазият ҳақида хабар берамизми?

– Тоғ йўли ёмон экан, пастликка тушиб кетдик, деймиз, – фикр билдириди Мехмет.

– Тўғри, «жарроҳ бизни чув тушириди», десак, амирнинг ўзи отиб ташлайди барчамизни, – унинг гапини маъқуллadi хумкалла. – Жавоб бер-чи, тепада нима гап экан?

Рацияда Сайднинг асабий товуши эшилтиди:

– Йигитлар, яқинлашиб қолдиларингми? Бу ерда аҳвол чатоқ, қор ёға бошлади, изғирин кучайяпти. Амир тинимсиз сизларни сўраяпти, жарроҳ кутяпти... Нега жимсанлар, жавоб берсаларинг-чи!

– Бизда муаммо бўлди, йўл жуда ёмон экан, машинамиз кутилмагандан пастликка тушиб кетди, – жавоб қайтарди дўнгпешана.

– Сенларга ишонган мен аҳмоқ, ўзим боришим керак эди! – бақирди Сайд. – Дўхтирнинг аҳволи қандай, у амирга сув билан ҳаводек зарур.

– У оғир жароҳатланди, ўрнидан қўзғала олмаяпти.

– Унда «меҳмон»ни тинчитиб, тезда бошка машина топиб, етиб келинглар! Амирни дачага олиб тушмасак бўлмайди. Ўша ерда бошка дўхтири топиб, муолажа қиласми. Қош қорайяпти, қор тезлашди, барчамиз пастга тушамиз.

– Яхши, – итоаткорона овозда Сайдни тинчлантириди дўнгпешана. – Дачаларга яқин жойдамиз, машина топиб, етиб борамиз.

Жангарилар дам олиш зonasига келганида, қор учқунлаб, қош қорайганди. Жарроҳни ушлашдан умидини узган босқинчилар автоулов топиш режасини тоза бошлади. Шунда Янгиобод шаҳарчаси томондан машина чироғи кўзга ташланди.

– Ҳамма пана жойга ўтсин, яширининг! – шошилинч бўйруқ берди хумкалла Руслан. – Масканга кириш эшигини беркитинглар! Қуролларинг шай турсин!

– Зонага киришдаги шлагбаумни беркитиш керак, – шлагбаум томон чопди дўнгпешана. – Шунда, уни очиш учун ҳайдовчи тўхтайди.

– Тўғри, – унга ёрдамга шошилди Мехмет. – Тўхтаганда панадан чиқиб, жойида тинчитамиз.

Иблислар тўдасига дуч келишидан беҳабар Янгиобод шахри ички ишлар бўлими бошлиғи подполковник Говорухин ёнига

биринчи ўринбосари ва жиноят-қидирав бўлими бошлиғи билан дам олиш зонасини кўздан кечириш учун келаётганди.

– Ҳар эҳтимолга қарши қуроллар ёнларингда бўлсин, – табель қуроли ва Калашников автомобилари билан қуролланган ходимларига тайинлади Говорухин. – Мактаб директори шубҳали шахс ҳақида бекорга хабар бермаган. Дачаларда хавфли кимсалар бўлиши мумкин.

– У ерда бир неча юзлаб дача бор, ҳар бирини кўздан кечириш осон эмас. Ёрдам чақирсан бўлармиди? – фикр билдириди ходимлардан бири.

– Ёрдам чақириш учун қўлимизда аниқ маълумот йўқ, гумон бўйича келяпмиз, – уни тинчлантириди Говорухин. – Кейин ҳамма дачани кўздан кечиришимиз шарт эмас. Ҳозир дачалар деярли бўм-бўш. Биз чироқ ёниб турганларини текширамиз.

– Унда...

Уларнинг сухбати тугамай, Говорухиннинг биринчи ёрдамчиси бошқариб келаётган автоулов шлагбаум олдига келиб тўхтади. Ички ишлар ходими машина эшигини очиб улгурмай, уларнинг ёнида автомат кўтарган жангари пайдо бўлди ва... Ва автоулов ичини автомат ўқлари илма-тешик қилган ички ишлар ходимларининг қони қоплади.

– Изимиздан тушган ментларни тинчтиши мана бундай бўлади! – ғолибона ишшайди хумкалла. – Менимча, дўхтири биз ҳақимизда хабар берган кўринади. Бўлмаса, кеч тушганди исковучлар бу ерга келмаган бўларди.

– Машина ичини расво қилдинг-ку, Руслан!.. – беркинган жойидан чиқиб келган жангчилардан бири ўз тилида сўкинди.

– Бизга машина зарур эди. Шуларни ташқарига олиб чиқиб тинчитсан ҳам бўларди.

– Хечқиси йўқ, мана бу калтафаҳмларнинг мурдасини ичкарига олиб кириб яширамиз-да, машина ичини тозалаб, йўлга тушамиз.

Шунда машинадаги ички ишлар ходимларининг рацияси ишга тушди: «Уртоқ Говорухин, қаердасиз, шошилинч теревога! Дам олиш зonasida ўта шубҳали шахслар борлиги ҳақида ишончли хабар келди. Хабарга қараганда террорчилар бўлиши мумкин. Ҳозир дам олиш зonasiga туман ички ишлар ходимлари ёрдамчи кучлар билан етиб боради. Ўртоқ Говорухин, жавоб беринг!..»

– Машинани тозалашга улгурмаймиз, – гумашталарига юзланди Абдулмутал.

– Яхшиси, уни маскан ҳовлисига олиб кириб қўямиз-да, жуфтакни ростлаймиз.

– Бошка иложимиз ҳам йўқ, қор тезлашди, сўқмоқ йўлдан кетсан, изимизни беркитади, – унинг фикрини тасдиқлади дўнгпешана.

– Унда маскан панжарасини (эшигини) очинглар. Исковучларнинг қуролини олиш керак, асқатиши мумкин. Мехмет, сен шу билан шуғуллан! Қани, ҳамма машинани ичкарига киритишга ҳаракат қилсан!

Бешафқат қашқирлар қилган ишидан ҳузурланган ҳолда, сўқмоқ йўлдан жангари шериклари томон югуриб кетди...

(Давоми кейинги сонда)

Зулфия ЮНОСОВА,  
«Vatanparvar»

Xalqaro dzyudo federatsiyasi (IJF) "2022-yilning eng yaxshi dzyudochisi" bo'lishga nomzod sportchilar ro'yxatini e'lon qildi. Ular safida Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakili Davlat Bobonov ham bor.

# "DUNYONING ENG YAXSHI DZYUDOCHSI" KIM BO'LADI?

2022-yilgi mavsumda poytaxtimiz ilk bor dzyudo bo'yicha jahon championatiga mezonlik qilgan va u dunyo tarixida o'zbek polvonlarining birinchi marta qo'sh oltin medalga egalik qilishi bilan yakunlangandi. Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi vakili Davlat Bobonov (-90 kg) va hamyurtimiz Muzaffarbek To'rabyev (-100 kg) o'z vazn toifasi bo'yicha bellashuvlarda barcha raqiblarini mag'lubiyatga uchratib, jahon champion bo'lishdi. Ushbu muvaffaqiyatgacha ham IJF reytingida o'z vazn toifasida 1-o'rinni egallab turgan MVSM vakili Bobonov Toshkentda erishgan championligi bois yaqin raqobatchilari bilan oradagi ochkolar farqini qisqartirdi va hanuzgacha peshqadamligini saqlab turibdi. Chunki armiyamiz polvoni 2022-yil davomida Parij "Katta Dubulg'a" turniri va Konya shahrida o'tgan "Islom birdamligi" o'yinlarida bronza, Ulan-Batorda tashkil qilingan "Katta

Dubulg'a" turnirida kumush medalni ham qo'lga kiritdi. Shu bois "Tokio – 2020" yozgi Olimpiya o'yinlarining bronza medali sohibi, jahon championi Davlat Bobonov IJF tomonidan "Yilning eng yaxshi erkak dzyudochisi" nominatsiyasining nomzodlari orasida e'tirof etildi.

Ovoz berish jarayoni 12–31-yanvar kunlari Xalqaro dzyudo federatsiyasida bo'lib o'tadi. Erkak va ayollar o'rtasidagi nomzodlar orasidan g'olib topilganlar joriy yilning 5-fevral kuni Parijda boshlanadigan "Katta Dubulg'a" turnirida rasman e'lon qilinadi. "Yilning eng yaxshi erkak dzyudochisi" bo'lishda armiyamiz vakiliga dunyoning 4 nafar polvoni, ya'ni gruziyalik Tato Grigalashvili, kubalik Endi Granda,



mo'g'ulistonlik Sogbatar Send-Ochir va yaponiyalik Xifumi Abe raqiblik qiladi.

Shu o'rinda alohida ta'kidlash joiz, agar bu raqobatda Davlat Bobonov ustun kelsa, ushbu yo'nalihsidagi muvaffaqiyat yurtimiz va armiyamiz dzyudosida tarixiy vogelik bo'lmaydi. Chunki bunday vogelik bundan 11 yil avval ro'y bergandi. Aniqrog'i, 2011-yilda "O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan sportchi" va "O'zbekiston iftixon" faxriy unvonlari sohibi, armiyamiz polvoni Rishod Sobirov Xalqaro dzyudo federatsiyasi (IJF) tomonidan "Zamonamizning eng kuchli dzyudochisi", uning ustozni Andrey Shturbabin esa jahon miyosida "Eng yaxshi murabbib" sifatida e'tirof etilgandi. Bu yo'lda MVSM vakili Davlat Bobonovga ham omadlar tilaymiz.

Davlat BOBONOV. 1997-yil 7-iyunda tug'ilgan. Dzyudo bo'yicha xalqaro toifadagi sport ustasi. 2016-yilgi Toshkent "Katta Dubulg'a"si va yoshlar o'rtasidagi Osiyo championati g'olib. 2020-yil Dyusseldorf va Toshkent "Katta Dubulg'a" turniri hamda jahon championatida kumush medalga sazovor bo'lgan. 2020-yilgi mavsum yakunida yurtimizda "Yilning eng yaxshi sportchisi" deb topilgan. 2021-yilgi Osiyo championatida zafar quchgan. "Tokio – 2020" yozgi Olimpiya o'yinlarining bronza medali sohibi. 2022-yilgi "Islom birdamligi" o'yinlari va Parij "Katta Dubulg'a"sinining bronza, Ulan-Bator "Katta Dubulg'a"sinining kumush medali sohibi, jahon championi.

## ✓ OG'IR ATLETIKA

# "PARIJ – 2024" ga ELTUVCHI YO'LLAR

Xalqaro og'ir atletika federatsiyasi (IWF) 2024-yili Parijda o'tkaziladigan XXXIII yozgi Olimpiada o'yinlari uchun reyting ballari o'ynaluvchi musobaqalar hamda ishtirokchi davlatlarga ajratiladigan o'rinalar sonini tasdiqladi. Xo'sh, tarkibidan Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakillari ham o'rin olgan yurtimiz og'ir atletikachilarini oldinda qanday musobaqalar kutmoqda?

2021-yili poytaxtimiz mezonlik qilgan og'ir atletika bo'yicha 86-jahon championatida "uy devorlari ham sportchilarimizni suyagan" va vakillarimiz 5 ta oltin, 5 ta kumush va 2 ta bronza, jami 12 ta medal jamg'argan, O'zbekiston erkaklar terma jamoasi umumjamoa hisobida dunyo miyosida 1-o'rinni egallagandi. 2022-yili Kolumbiyaning Bogota shahrida o'tkazilgan 87-jahon championatida esa atletlarimiz 3 ta oltin, bittadan kumush hamda bronza, jami 5 ta medalga sazovor bo'lishdi. Erkaklar terma jamoamiz 3 ta oltin medal bilan umumjamoa hisobida 4-o'rinni egalladi. Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi vakili Ruslan Nurudinov (-109 kg) esa o'z faoliyati davomida uchinchi marta jahon championligiga erishdi.

Ha, o'zbek atletlari xalqaro maydonda yil sayin yuqori natijalar qayd etmoqda, og'ir atletika sport turining mavqeyi esa... aksincha pasaymoqda. Xususan, kelgusi yil Parijda o'tdigan XXXIII yozgi Olimpiada o'yinlarining og'ir atletika bahslarida 120 nafar sportchi qatnashishi belgilangan va ular 10 ta medal jamlanmasi

uchun bahs yuritadi. Vaholanki, Tokio Olimpiadasida 196 nafar og'ir atletikachi 14 ta medal jamlanmasi uchun kurashgan edi. "Parij – 2024" yozgi Olimpiya o'yinlarida og'ir atletikachilarning yo'llanmalar soni 76 taga qisqarishi, da'vogarlarning, aksincha haddan tashqari ortishi sportchilarni ham, Xalqaro og'ir atletika federatsiyasi mutaxassislarini ham murakkab vaziyat va shiddatli jarayonlarga solib qo'ydi. Bu, o'z navbatida, IWF tomonidan saralash turnirlarini yangicha tizim va yo'nalihsarda tashkil etishni taqozo etmoqda.

Xalqaro og'ir atletika federatsiyasi "Parij – 2024" yozgi Olimpiya o'yinlari uchun reyting ballari o'ynaladigan musobaqalarni, vazn toifalarni hamda ishtirokchi davlatlarga ajratiladigan o'rinalar sonini rasman tasdiqladi. Unga ko'ra, to'rt yillik musobaqaning sovrinli o'rinalri uchun 60 nafar erkak va 60 nafar ayol sportchi da'vogarlari qiladi. Erkaklar 61, 73, 89, 102 va +102 kg vaznlarda, ayollar 49, 59, 71, 81 va +81 kg vaznlarda Olimpiada medallari uchun bahslashadi. Har bir mamlakatdan 6 nafar (3+3) sportchi "Parij – 2024" Olimpiadasida ishtirok etishi mumkin. Agar



qaysidir terma jamoa 4 yoki undan ortiq yo'llanmaga ega bo'lsa, majburiy ravishda 3 nafar sportchisini tanlaydi.

Olimpiya o'yinlariga yo'llanma sohiblari sportchilarning to'plagan reyting ochkolariga qarab aniqlanadi. O'rinalar reyting ochko taqdirm qiluvchi musobaqalardagi natjalarga qarab shakllantiriladi. Yo'llanmaga ega bo'lish uchun atlet Xalqaro og'ir atletika federatsiyasi dasturiga asosan, Olimpiya o'yinlari uchun belgilangan reyting turnirlarining kamida 5 tasida ishtirok etishi shart. Ulardan quydagi 2 tasi majbur:

2023-yilgi jahon championati (2–17-sentabr, Saudiya Arabiston);  
2024-yilgi jahon kubogi (2–11-aprel, Tailand).

Shuningdek, atletning quydagi musobaqalardan kamida 3 tasida ishtirok etgan bo'lishi talab etiladi:

2022-yilgi jahon championati (5–16-dekabr, Kolumbiya);  
2023-yilgi Osiyo championati (3–13-may, Janubiy Koreya);  
Rasul JUMAYEV,  
«Vatanparvar»

2023-yilgi I Gran-pri (2–12-iyun, Kuba);  
2023-yilgi II Gran-pri (dekabr, Qatar);  
2024-yilgi Osiyo championati (5–15-fevral, O'zbekiston).

Litsenzion musobaqalardan biriga poytaxtimiz Toshkent shahri mezonlik qilishi, albatta, biz uchun quvonarli. Zero, bu Olimpiya o'yinlari yo'llanmasi uchun zarur ballarni to'plashda yurtimiz og'ir atletikachilar uchun qo'l keleshish, qo'shimcha imkoniyat tug'dirishi mumkin.

2023-yilgi jahon championati va bir yilga kechiktirilgan "Xanchjou – 2022" Osiyo o'yinlari orasidagi juda qisqa fursat esa ko'plab muhokamalarga sabab bo'lmogda. Chunki joriy yilning 2–17-sentabr kunlari qit'amiz sportchilari Saudiya Arabistonida o'tkaziladigan dunyo birinchiligidagi ishtirok etishsa, 27-sentabr – 4-oktabr kunlari Xitoya ularni Osiyo o'yinlari doirasidagi bahslar kutib turibdi. Bu qit'amiz atletlari uchun o'z mahoratlarini to'liq namoyish etishlariga xalaqt berishi, o'z navbatida, murabbiy va mutaxassislar sportchilarni tanlash borasida ayrim muammolarni vujudga keltirishi mumkin.

O'tgan yili Kolumbiyaga borgan atletlarimizning 5 nafari jahon championati sovrindori bo'lgan, sovrindorlar safidan joy olmagan sportchilarimizning ham aksariyati yaxshi qatnashib, "Parij – 2024" yozgi Olimpiya o'yinlari yo'lida qimmatli reyting ochkolariga egalik qilishgandi. O'yaymizki, og'ir atletikachilarimiz bu yo'ldagi intilishlarni kelgusida yanada muvaffaqiyatlari davom ettirishadi.

## “Temur tuzuklari” bilimdoni” aniqlandi



Nukus harbiy prokuraturası Taxiatosh tumani hokimligi bilan hamkorlikda Mudofaa vazirligiga qarashli harbiy qismida “Milliy armiyamiz Yangi O’zbekistonning mustahkam qalqonidir!” shiori ostida “Temur tuzuklari” bilimdoni” mavzusida viktorina o’tkazildi.

Tadbirda harbiy qism ofitserlar tarkibidan iborat “Yetakchi”, serjantlardan iborat “O’zbekiston qalqonlari” hamda muddatli harbiy xizmatchilar tarkibidan iborat “Temur izdoshlari” jamoalarini ishtirok etishdi.

Tadbir harbiy xizmatchilarning ijtimoiy faolligini oshirish, iste’dodi va tashabbuslarini rag’batlantirish hamda harbiy xizmatchilarning bilim savyasini takomillashtirish, “Temur tuzuklari”ga bo’lgan hurmatni yanada oshirish g’oyalari asosida o’tkazildi.

Yuqori kayfiyat bilan boshlangan ma’naviy va ma’rifiy tadbir davomida harbiy xizmatchilar o’tasida jasurlik va mardilik, faxr va iftixon tuyg’ularini yanada oshirishga yo’naltirilgan “Mardlik va jasorat” mavzusida suhbat ham tashkil etildi.

Tadbir so’ngida o’z iste’dodini namoyon etgan faol harbiy xizmatchilar va g’olib jamoalar diplom va qimmatbaho sovg’alar bilan taqdirlandi.

Adliya polkovnigi Shuhrat ZOIROV,  
Nukus harbiy prokurori

### ✓ ПИСЬМО В РЕДАКЦИЮ

## ПОД НАДЕЖНЫМ ЩИТОМ

Уважаемая редакция, хотя я и не пенсионер по линии Министерства обороны, но являюсь давним (30 лет, со дня основания) читателем газеты «Vatanparvar», где хорошо освещается деятельность защитников нашей любимой Родины. Также правдиво освещаются события нашего государства и мира.

Газета «Vatanparvar» очень красочная, статьи в ней интересные, чувствуется профессионализм. Радует и то, что есть даже страница – «Bolajon», посвящённая нашим дорогим детям.

Республика Узбекистан является самым справедливым, спокойным, миролюбивым государством мира, где человек и его счастье находится под надёжным щитом.

Хотелось бы вам предложить в дальнейшем больше освещать тему истории военного дела. Думаю это будет полезно и интересно для читателей газеты.

Искандер АЛИМОВ,  
пенсионер, г. Ташкент

## O’zbekiston Respublikasi Harbiy prokuraturasining rasmiy veb-sayti ishga tushdi




**USHBU VEB-SAYT ORQALI SIZ HARBIY PROKURATURA TOMONIDAN QUROLLI KUCHLARDA QONUNIYLIKNI TA’MINLASH BORASIDA OLIB BORILAYOTGAN ISHLAR BILAN TANISHASIZ, O’TAKAZILAYOTGAN NAZORAT TADBIRLARI HAQIDA MA’LUMOT OLASIZ.**

Shu bilan birga tekshirishga doir mavzu yuzasidan murojaat yo’llashingiz hamda korrupsiyaga qarshi kurashish va uning oldini olish bo’yicha taklif va tizimdagи korrupsiya holatlari haqida ma’lumotlarni goldirishingiz mumkin.

Respublika Harbiy prokuraturasi matbuot xizmati

### ✓ MUDOFAAKA KO’MAKLASHUVCHI “VATANPARVAR” TASHKILOTLARIDA



**MA’LUMKI, BUGUNGI KUNDA YURTIMIZDA YOSH AVLODNI ONA VATANGA SADOQAT RUHIDA TARBIYALASH, MA’NAVİYATINI YUKSALTIRISH VA JISMONIY BARKAMOL BO’LIB ULG’AYISHIGA KATTA AHAMIYAT BERILMOQDA. BUNDAY EZGU ISHLAR O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA SIGA KO’MAKLASHUVCHI “VATANPARVAR” TASHKILOTINING XORAZM VILOYATI KENGASHI TASARRUFIDAGI YANGIARIQ TUMANI O’QUV SPORT-TEXNIKA KLUBIDA HAM IZCHIL AMALGA OSHIRILYAPTI.**

Bunday ishlar salmog’i ayniqsa, mamlakatimiz Qurolli Kuchlari tashkil etilganligining 31 yilligi va Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan yana ham oshirildi. Tuman mudofaa ishlari, xalq



musobaqalarda sportchilarimiz faol qatnashib, umumjamoa hisobida faxrli o’rninlarni egalladi. Sport bilan muntazam shug’ullanishda shart-sharoitlarning, turli seksiyalarning doimiy ishlab turishi ham muhim omil bo’limoqda. “Havo miltig’idan o’q otish”, “karting” va “yozgi biathlon” kabi seksiyalarda 50 nafardan ortiq yoshlar muntazam shug’ullanib kelishadi. Turli sport anjomlarining olib kelinishi ham amaliy sport turlarining kengayishida qo’l kelyapti.

Xulosa o’rnida aytish lozimki, “Vatanparvar” tashkilotining tumandagi umumta’lim maktabalarida davlat va jamoat tashkilotlar hamkorligida turli tadbirlar o’tkazib kelayotganligi ertamiz davomchilarida harbiy-vatanparvarlik tuyg’ularini shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etmoqda.



Shonazar RAZZOQOV,  
“Vatanparvar” tashkiloti  
Yangiariq tumani O’STK boshlig'i

# МАХСУС ҲИМОЯ ҚОЛАМАСИГА ЭГА

«Голан» деб номланган зирхли жанговар машина Истроилнинг «Рафаэль» корхонаси мутахассислари томонидан «American Protected Vehicles» компанияси билан ҳамкорликда яратилган бўлиб, асосан шахсий таркиб ва тегишли юкларни ташиш учун мўлжалланган. Машина корпусининг зирхланиш даражаси экипаж ва десант аъзолари, узел ва агрегатларни турли ўқлар ва снаряд парчаларидан ишончли ҳимоялашни таъминлайди. Кучланиш бўлмаси машинанинг олд қисмига жойлаштирилган бўлиб, у ерга қуввати 315 от кучига тенг бўлган, шоссе бўйлаб максимал ҳаракатланиш тезлигини соатига 90 км.гача етказиш имконини берувчи «Камминз» типидаги двигатель ўрнатилган. Десант бўлмасига барча зарурий анжомлар билан тўлиқ таъминланган 10 нафар



пиёда аскарлар жойлашиши мумкин. Машинага чиқиш ва ундан тушиш орқа томондаги аппарель ҳамда корпус томидаги люклар орқали амалга оширилади. Корпуснинг ички деворлари махсус ҳимоя қоламаси билан таъминланган бўлиб, у душман томонидан зирхешар ўқдорилар қўлланган ҳолатларда зирх парчалари учишининг олдини олади. «Голан»га пулемёт, автоматик түп ёки танкка қарши бошқарилувчи ракета билан жиҳозланган масофадан бошқарилувчи қурол модули ўрнатилиши мумкин. Машинанинг узунлиги 5,9 метр, эни 2,5 метр, баландлиги 2,35 метр, жанговар оғирлиги 15-16 тонна (шу жумладан деярли 2 тонна оғирлидаги фойдали юкламма), ёқилғи бўйича юриш захираси 600 километрни ташкил этади.

# НЕОБИТАЕМЫЙ ПОДВОДНЫЙ АППАРАТ

Разработанный специалистами компании «Боинг» тяжелый автономный необитаемый подводный аппарат (АНПА) «Эхо Вояджер» по своим массо-габаритным характеристикам является дизельной подводной лодкой-малюткой, оснащенной гибридной энергетической установкой, в состав которой включены аккумуляторные батареи (АБ) большой мощности и дизель-генератор для зарядки батареи. Аппарат способен действовать под водой в течение трех суток, после чего он может всплыть в надводное положение или на перископную глубину для подзарядки АБ. Конструкция АНПА модульная, реконфигурируемая, открытой архитектуры. Корпус аппарата имеет длину 16 метров, в поперечном сечении прямоугольный, высотой и



шириною по 3 метра, и спуск подъемной массой 50 тонн, может расстыковываться на носовую и кормовую части. Между ними устанавливается модуль полезной нагрузки, затем все три части соединяются. Носовой и кормовой модули имеют сверху желтую окраску, модуль полезной нагрузки такой окраски не имеет. После стыковки массо-габаритные характеристики значительно возрастают. Общая длина корпуса увеличивается до 26 метров, а спусковая масса достигает 70 тонн. Дальность плавания «Эхо Вояджер» в автономном режиме до 6 500 миль, крейсерская скорость 3,5 узлов (максимальная – 8 узлов), автономность до 180 суток. В состав полезной нагрузки входят различные разведывательные и ударные вооружения.

# ҲАРАКАТЧАН ЖАНГОВАР МАШИНА

«Боач» деб номланган масофадан бошқарилувчи машина (МБМ, ғилдираклар формуласи 6 x 6) Туркиянинг «Elektroland Defence» компанияси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Машинанинг тажриба нусхаси хозирда дала синовларидан ўтказилмоқда. Комплектация (фойдали юкламма) вариантидан келиб чиқсан холда, мазкур жанговар восита разведка ва кузатув ишлари, патруллик қилиш, ҳудудни миналардан тозалаш, юқ ташиш ва бир қатор бошқа вазифаларни бажариши мумкин. «Боач»га 7,62 ёки 12,7 мм.ли пулемёт, ёхуд 40 мм.ли автоматик гранатомётга эга бўлган қурол модуллари, шунингдек, тутун тарқатувчи гранаталарни ишга тушириш қурилмаларини ўрнатиш учун техник



имкониятлар мавжуд. Барча олти ғилдиракнинг илгич конструкцияси машинага клиренсни ўзгартириш имконини беради. Ағдарилиш юзага келиши мумкин бўлган вазиятларда ғилдираклар ўз ҳолатини ўзгартириб, ҳаракатланишни давом этириши имкониятини яратади. Бунда масофадан бошқарилувчи қурол модули автоматик равишида корпуснинг ичкари қисмига кириб кетади ва шикастланмайди. Ҳаракатчан жанговар машина қуввати 45 от кучига тенг бўлган гибрид кучланиш қурилмаси билан жиҳозланган. Бортга жойлаштирилган аккумуляторлар қуввати ва ёқилғи захираси «Боач»га зарурат туғилган ҳолатларда 12 соат мобайнида узлуксиз ишлаш имконини беради.


# БЕЗЭКИПАЖНЫЕ СКЛАДСКИЕ МАШИНЫ

Одним из путей развития логистики работы на военных и гражданских складах в ведущих зарубежных странах является разработка, создание и эксплуатация безэкипажных машин. В частности, разработанная специалистами американской компании «Амазон Роботикс» группа безэкипажных машин «Кива» (Kiva) предназначена для перевозки складских стеллажей. Работнику склада остается взять нужный товар с полки и, просканировав, положить на конвейер. Устойчивость стеллажей обеспечивается за счет перемещения центра тяжести. Вещи не падают с них при раскачке конструкции. В функциональной схеме машины «Кива» используется беспроводная сеть для передачи заказа конкретному роботу и управления им. На большинство современных складских зон, обслуживаемых такими машинами, персонал не допускается. Существуют два вида машин данного



типа – с размерами примерно 60 x 60 см и высотой 30 см, весом 100 кг с грузоподъемностью до 317 кг и грузоподъемностью более 1т. Подъем и опускание стеллажа осуществляется с помощью винтового подъемника, причем так, чтобы стеллаж не крутился при подъеме (платформа машины может вращаться). Скорость перемещения машин «Кива» около 4 км/ч. Они приводятся в действие от аккумуляторов, заряда которых хватает на 1 час работы; полная зарядка батарей занимает 5 минут. Система управления запоминает товары, которые требуются чаще, и обеспечивает их установку ближе к упаковщикам. Также она может подсвечивать лазерным указателем нужную полку на стеллажах для робота-упаковщика. Производительность работ в такой системе возрастает в 2 раза за счет исключения необходимости перемещаться по складу.

# МИОПИЯ



Нормальный размер глаза Миопия (вытянутый глаз)

## (БЛИЗОРУКОСТЬ)



**Миопия (близорукость) – дефект оптики глаз, когда параллельные лучи света после оптических сред в глазу фокусируются на сетчатке не точно, то есть центральный фокус не попадает в центральную зону сетчатки, а находится передней и вследствии этого изображение на сетчатке получается нечетким, расплывчатым. Миопия позволяет хорошо видеть вблизи и плохо вдали.**

По происхождению миопия бывает врожденная (наследственная) и приобретенная.

**Приобретенная миопия различается:** осевая, рефракционная, ложная.

Осевая – близорукость, при которой увеличено расстояние от вершины роговицы до сетчатки (условной оси глаза).

Рефракционная – близорукость, при этом радиус кривизны роговицы мал и световые лучи преломляются сильнее;

Ложная – близорукость, при которой происходит спазм аккомодации (приспособление, настройка) глаза, когда он становится миопичным в следствии зафиксированного сокращения цилиарной мышцы. Такое сокращение мышцы приводит к увеличению толщины хрусталика.

Возможно сочетание этих 2-3 видов близорукости в одном глазу. Или обоих глазах с миопическим астигматизмом.

Дискомфорт изображения вызывает перенапряжение внутренних прямых мышц, что ведет к неприятным ощущениям в области лба и висков, иногда к болям в глазах, головной боли. Такое явление называется мышечной астенопией. При мышечной астенопии может нарушиться бинокулярное зрение, развиться слабость конвергенции. Это в свою очередь может привести в дальнейшем к развитию содружественного косоглазия.

Симптомы мышечной астенопии исчезают, если закрыть один глаз.

**Пусковые механизмы для образования миопии:**

- компьютеризация и постоянная работа с гаджетами;

- рост нагрузки в школе у детей и студентов;

- напряженная работа с мелкими предметами на близком расстоянии;

- работа на вредном производстве беззащитных средств, в условиях быстрочередующегося яркого света.

Распространённость миопии среди учащихся современных школ составляет

ляет в среднем 25-30%. В течение 11 лет обучения близорукость прогрессирует от 4,1-8,6%, в первом классе до 46-51,5%, в одиннадцатом («особенности возникновения и прогрессирования школьной близорукости современного учебного процесса» В.М. Петухов, А.В. Медведев, 2021 г.).

Ложная миопия – псевдомиопия (спазм аккомодации) очень часто является первой фазой развития осевой миопии, когда рефракционный характер заболевания переходит в органический, который начинается с растяжения заднего полушария глаза. Еще Комберг в 1928 году придавал большое значение зрительной напряженной работе на близком расстоянии. При такой работе, он определил, что глаз перефокусируется до 25 000 раз в час. Эти движения повышают внутриглазное давление, так как при конвергенции внутренние прямые мышцы давят на глаз. Повышенное внутриглазное давление способствует растяжению глаза, развивается миопия и астигматизм. Для коррекции зрения такие глаза очень быстро нуждаются в очках со сферическими или цилиндрическими даже иногда сфероцилиндрическими линзами.

**В зависимости от степени снижения остроты зрения и степени миопии различают:** слабую (до 3 диоптрии), среднюю (до 6,0 диоптрии), сильную (свыше 6,0 диоптрии).

**Причины возникновения близорукости:** наследственный фактор, заболевания матери во время беременности различными воспалительными простудными, вирусными, инфекционными заболеваниями, анемия, частые курения и алкоголизм; экологические факторы; эндокринные заболевания.

По мнению Дондерса развитие аномалии рефракции у детей школьного возраста связано с плохими гигиеническими условиями, недостаточным освещением рабочего места,

например в классах, нерациональным устройством столов и ученических скамей, мерцающими лампами, нечетким и неконтрастным шрифтом учебников, длительностью занятий без отдыха.

Разная рефракция обоих глаз называется анизометропией.

**Осложнения:** прогрессирования близорукости до высокой степени, появления конуса и стафилюмы на глазном дне, иногда дистрофические изменения сетчатки, разрывы и отслоика сетчатки, пигментно отложение и помутнение в стекловидном теле вторичной глаукомы. Чтобы предупредить или задержать дальнейшее развитие прогрессирующей близорукости и появление осложнений известны следующие пути меры:

профилактика – определяются с учетом ведущей причины в развитии прогрессирующей близорукости, влияния неблагоприятных факторов внешней и внутренней среды организма.

### Профилактические мероприятия:

1. Устранение или уменьшение вредного влияния неблагоприятных факторов внешней среды на орган зрения и на весь организм.

2. Оздоровление организма и повышение его сопротивляемости к различному ряду вредно действующим факторам внешней среды.

3. Ранее выявление прогрессирующей близорукости, диспансерное наблюдение и систематическое комплексное лечение.

4. Создание специального благоприятного режима зрительной работы. Оптимальное освещение рабочего места, которое дает лампа 60-75 вт, установленная слева от работающего и смешанное освещение искусственное и естественное (боковой оконный проем, остекленное «верхний свет»).

5. Временное ограничение зрительной нагрузки, рациональное распределение зрительной нагрузки и отдыха. Перерывы в зрительной работе на 5 минут через каждые 30-40 минут, а при осложненной близорукости 10 минут через каждые 15 минут зрительной работы.

6. Лечение сопутствующих заболеваний и отдых.

7. Выполнение упражнения для глаз, способствующих улучшению кровообращения сосудов глаза и укреплению глазодвигательных мышц. Необходимо проводить каждые полчаса при напряженной работе зрителного анализатора следующие упражнения:

### Гимнастика для расслабления глаз

► указательные пальцы держим лицом на расстоянии 40 см. Затем медленно разводим руки в стороны. Наблюдаем за пальцем периферийным зрением, краем глаза должны видеть пальцы обеих рук. Через некоторое время медленно сводим пальцы;

### Массаж глазных яблок:

► закрываем глаза и подушечками пальцев слегка нажимаем на глазные яблоки. Открываем глаза и 5-6 секунд держим глаза открытыми, не моргаем. Повторяем все сначала еще 2 раза;

► переводим взгляд, смотрим на указательные пальцы на расстоянии вытянутой руки. Затем медленно переводим взгляд на отдаленный объект, например, дерево за окном, и смотрим 5-6 секунд. Снова переводим взгляд на пальцы рук;

► с силой зажмуриваем глаза, а затем открываем их, 5-6 секунд держим открытыми. Упражнение повторяем 6 раз;

► проводим вращение глазных яблок. Переводим взгляд вправо-влево, вверх-вниз, а затем делаем круговые вращения глаз в обе стороны чередуя. Упражнение выполняем 3 раза;

► проводим медленное моргание, затем в течение некоторого времени часто моргаем глазами. Сильно не жмуримся. Начинать можно с 30 секунд, с каждым разом увеличивая время моргания до 2 минут;

► проводим поглаживание век. Лёгкими движениями подушечек пальцев без надавливания поглаживаем верхние веки. Движения направляем от внутренних уголков к внешним, а затем наоборот. По окончании необходимо посидеть с закрытыми глазами не менее минуты;

► правильное положение при чтении книги от глаза 30-45 см, для детей 12-14 лет с перерывом через каждые 45 минут. Противопоказана работа в согнутом положении с низко опущенной головой, например чтение, работа на ноутбуке или ином гаджете в постели;

► для тренировки аккомодации периодически следует переводить взгляд от книги на отдаленные предметы. Читать желательно при дневном освещении;

► при работе за компьютером рекомендуется размещать монитор чуть выше уровня глаз, что снижает нагрузку на его мышцы, они меньше напрягаются;

► вечернее искусственное освещение в помещении рекомендуется создавать аналогичных цветовых оттенков и по яркости примерно как у дисплея.

Особо важное значение имеет санитарно-просветительная работа среди детей и их родителей, а также самих педагогов.

Для определения размеров очков детям проводят атропинизацию глаз.

**Лечение миопии:** корригирующие очки, контактные и ортokerатологические линзы, а осложненной прогрессирующей близорукости в основном симптоматическое.

Постоянная забота о глазах, соблюдение санитарно-гигиенических мероприятий, оборудование рабочих мест правильным комфорным освещением, выполнение расслабляющих для глаз перерывов работе и гимнастика глаз будет способствовать сохранению хорошего зрения.

**А. ШАРАПОВА,**  
врач-офтальмолог  
высшей категории, кандидат  
медицинских наук, доцент  
отделение офтальмологии и  
микрохирургии глаз ЦВКГ МОРУ

REKLAMA REKLAMA REKLAMA REKLAMA REKLAMA REKLAMA REKLAMA REKLAMA REKLAMA



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MUDOFAA SIGA  
KO'MAKLASHUVCHI  
"VATANPARVAR"  
TASHKILOTINING XORAZM  
VILOYATI KENGASHI  
TASARRUFIDAGI URGANCH  
SHAHRI AVTOMOBIL SPORT-  
TEXNIKA MAKTABI JAMOASI  
YOSHLARNI HARBIY-  
VATANPARVARLIK RUHIDA  
TARBIYALASH MAQSADIDA  
SHAHAR MUDOFAA ISHLARI,  
XALQ TA'LIMI BO'LIMLARI,  
MAHALLA FUQAROLAR  
YIG'INLARI, SHAHAR  
HOKIMLIGI HUZURIDAGI  
VOYAGA YETMAGANLAR  
ISHLARI BO'YICHA  
KOMISSIYASI, YOSHLAR  
ISHLARI AGENTLIGI  
VA BOSHQA KO'PLAB  
TASHKILOTLAR BILAN  
HAMKORLIKDA MA'NAVIY-  
MA'RIFIY TADBIRLAR  
UYUSHTIRISHGA ALOHIDA  
E'TIBOR QARATMOQDA.

# MUZEYLARGA SAYOHA T



savodxonligi, avtokara, elektrokara, avtokranchilar, elektropayvandchilar hamda amaliy boshqarishni o'rgatuvchi ustalar malakasini oshirish, haydovchilar malakasini oshirish, suyultirilgan va siqilgan gazda yuruvchi avtomobil haydovchilari uchun o'quv kurslari ham tashkil etilgan.

Ayni paytda sportning texnik va amaliy turlaridan "Havo miltig'idan o'q otish", "Duatlon", "Motokross", "Parashyut" kabi seksiyalarda yuzdan ortiq yosh muntazam shug'ullanib kelmoqda. Muhimi, ularning nufuzli musobaqalarda ishtiroti ta'minlanyapti.

Ta'kidlab o'tish joizki, bugungi kundagi dolzarb masalalardan biri yo'llarda harakatlanish xavfsizligini targ'ib qilishdir. Bu borada viloyat IIB JXX YHX boshqarmasi xodimlari bilan hamkorlikda "Yo'l harakati qoidalarini o'rganamiz!" mavzusida turli tadbirlar tashkil etilmoqda.

Maxsus jihozlangan avtobus yordamida barcha umumta'lim maktablari o'quvchilari yo'l harakati qoidalari, ko'cha va chorrahaldarda to'g'ri harakatlanish borasidagi ma'lumotlar bilan muntazam tanishib borish imkoniyatiga ega bo'dilar.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFASA SIGA KO'MAKLASHUVCHI "VATANPARVAR" TASHKILOTINING SURXONDARYO VILOYATI KENGASHI TASARRUFIDAGI JARQO'RG'ON TUMANI O'QUV SPORT-TEXNIKA KLUBIDA YOSHLARNI HARBIY-VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASH, ULARNING HAR TOMONLAMA BARKAMOL AVLOD BO'LIB SHAKLLANISHLARI BORASIDA SAMARALI ISHLAR AMALGA OSHIRIB KELINMOODA.



# TADBIRLARNING SAVIYASI YUQORI



Ayniqsa, bunday ishlar ko'lam O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganligining 31 yilligi hamda Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan o'tkazilgan "Vatanparvarlik oyligi" doirasida yanada salmoqli bo'ldi. Xususan, muhim sanaga bag'ishlab, hamkor tashkilotlar bilan "Mard askar yoshlarga namuna!" shiori ostida harbiy-vatanparvarlik tadbirdilari, harbiy qism va o'quv sport-texnika klubida ochiq eshilklar kuni va bir qancha ma'navyi-ma'rifiy va sport tadbirdilari tashkil etildi. "Mening akam – Vatan himoyachisi" mavzusida ma'navyi-ma'rifiy tadbirdilar va "Qahramonlar nomi barhayot!" mavzusidagi davra suhbatlari shular iumlasidandir.

— Shuningdek, "Ma'naviyat karvonlari" tashrifini amalga oshirish, tumanimizdagi umumta'lim maktabalaridagi "Vatanparvarlik darslari" ning o'tkazilganligi ham oyilg davomidagi asosiy yumushlarimizdan

bo'ldi, – deydi O'STK boshlig'i Shuhrat Xo'jamqulov. – Shu bilan birga, o'quvchi-yoshlar o'rtasida "Posboniman muqaddas yurtning" mavzusida insho va she'riy asarlar tanlovi, "Mening armiyam – menin faxrim!" mavzusida "Eng yaxshi tasviriy san'at asari" ko'rlik-tanlovlari hamda sportning texnik va amaliy turlari bo'yicha sport musobaqlari ham tashkil etildi. Bu o'tkazilgan tadbirdorda madaniyat va san'at arboblari, sportchilar, keng jamoatchilik vakillari, harbiy xizmatchilar hamda mehnat faxriylari faol ishtirok etdi.


Keyingi yillarda mazkur klubda tumandagi "Yoshlar daftari"ga kiritilgan yoshlar faoliyatiga alohida e'tibor qaratilgan. Ular har tomonlama qo'llab-quvvatlanib, muntazam ravishda sport to'garaklariga jalb etilmoqda. O'tgan yili mana shu ro'yxatdagi yoshlarning 100 nafari imtiyoz asosida "BC" toifali haydovchiligi kurslarini bitirib chiqishdi.

Bundan tashqari, tashkilot tomonidan imzolangan memorandumga asosan 70 nafar harbiy xizmatchi ham haydovchilik kurslarida tahsil oldi. Shuningdek, yakunlangan yilda yetti yuz nafarga yaqin "B", "BC", "BE", "CE" toifali haydovchi tayyorlanib, bu borada belgilangan rejaning bajarilishiga erishildi.

Ayni paytda sportning texnik va amaliy turlarini rivojlantirish borasida ham salmoqli ishlar amalga oshirilmoqda. Klub qoshida uchta seksiya va bitta to'garak mavjud bo'lib, ularda 50 nafarga yaqin yosh muntazam shug'ullanmoqda. O'z navbatida yosh avlodni ma'nан va jismonan barkamol etib voyaga yetkazish maqsadida tashkil etilayotgan sport musobaqlari yoshlарimizни yanada ruhlantirmoqda. Bu nufuzli musobaqlarda ishtirok etayotgan jarqo'rg'onlik sportchi yoshlар Surxondaryo viloyati sharafini munosib himoya qilishmoqda.



# BOLAJON



Qadim zamonlarda tip-tiniq suvlari jildir-jildir oqadigan, o't-o'lanylari yam-yashil o'sadigan, mevalari sersuv va shirin yurt bo'lgan ekan. Shu mamlakatda Said ismli bola yashar edi. Bir kuni u olma yemoqchi bo'lib bog'ga boribdi va bog'bon yo'qligidan foydalanib, olmalardan ola boshlabdi. Shu payt qayerdandir bog'bonning tovushi eshitilibdi:

– Hoy, nega so'ramasdan meva teryapsan?  
Buni eshitgan Said oyog'ini qo'liga olib qochibdi. Bog'bon ortidan quvlab, yetib olibdi.  
– Nega olmalarni beso'roq terding? – debdi g'azab bilan.  
– Meni kechiring, boshqa qilmayman, – ko'z-yosh qilibdi Said.  
– Kap-katta bola ekansan, uyalmaysanmi, boshqa o'g'irlilik qilma! – unga rahmi kelibdi bog'bonning.

Bog'bon uning gapiga ishonib, qo'yib yuboribdi. Ammo bola lafzida turmabdi. Har ikki kunda bog'bonning ko'zini shamg'alat qilib, o'g'irlilikka tushaveribdi. Bu holat joniga tekkan bog'bon qoziga ham bormay, to'g'ridan-to'g'ri shohga arz qilibdi. Chunki mamlakat shohi bog'bon va dehqonlarga shunday imkoniyat bergen ekan.

– O'sha bolani menga keltir! – bog'bonning arzini eshitib, mulozimlariga buyuribdi shoh.

Bir zumda shohning huzurida bo'libdi Said.  
– Sen, mana bu bog'bonning olmalaridan oldingmi?  
– Yo'q shohim, men bu odamni tanimayman, tuhmat qilyapti, – debdi Said titrab.

Mamlakat shohining bolalikdan o'sgan do'sti bor ekan. Uning noyob qobiliyatি bo'lib, kimki oldida yolg'on gapirsa,



ko'ziga o'sha odam olov ichida ko'rinaran. Shoh do'stini chaqiribdi va uning oldida bolani yana so'roq qilibdi. Said "o'g'irlilik qilmaganman", deb turib olibdi. Mamlakat

hukmdori do'stiga yuzlanibdi. Shohning do'sti atrofga eshitkizmay asta:

– U yolg'on gapiryapti, ko'zimga olov ichida ko'rinyapti. Ammo hali juda yosh ekan, jazo emas, shunday tanbeh berish kerakki, qayta o'g'irlilik qilmasin, – debdi.

Shoh biroz o'ylanib turibdi-da:

– Bu bolaning o'g'irlilik qilgani uchun qo'lini, yolg'on gapirgani uchun tilini kesinglar. Chunki men bu bog'bonni bilaman, u yolg'on gapirmaydi, – deb buyuribdi.

Shohning farmoni bilan jazoni ijro etish uchun hamma narsa shay bo'libdi. Said qarasaki, bola qo'lidan va tilidan ayriladi. Shundagina aybini tan olib, yig'lab shafqat so'ray boshlabdi.

– Sen hozir ikkita gunoh qilding, – debdi mamlakat hukmdori. – Birinchisi o'g'irlilik qilding, ikkinchisi yolg'on gapirding. Buni shunday qoldirib bo'lmaydi, jazolanishing shart.

– Hukmdorim, bir qoshiq qonimdan keching... – Said yum-yum yig'lab kechirrim so'rashda davom etibdi.

– Mayli, faqat bog'bon gunohingdan o'tsagina, men afv etishim mumkin, – debdi shoh.

Bog'bonning bolaga rahmi kelibdi va gunohini afv etishni shohdan so'rabi. Shoh jallodga Saidni qo'yib yuborishni buyuribdi va to'g'rilik, halollik haqida bir qator o'gitlar beribdi. Saidga shohning gapi qattiq ta'sir qilibdi. U halol va to'g'riso'z bo'lib voyaga yetibdi.

Zuhra XODJAYEVA,  
Mirzo Ulug'bek tumanidagi  
241-umumta'lum maktabining  
7-sinf o'quvchisi

## VATANIM POSBONLARI

Tinchlik uchun ular mas'ul, ular tirkak,  
"Yurt" deb urar ko'ksidagi ulkan yurak.  
Sarhadlarda kecha-kunduz xushyor-sergak,  
Xalq ishongan, yurtning asl qalqonlari,  
Vatanimning aziz askar-posbonlari.

Chetga surib g'urur, sharaf-shonlarini,  
O'zi uchun sarflamas bir onlarini.  
Tinchlik uchun tikkan aziz jonlarini  
Kasbi ila butun bo'lgan iymonlari,  
Vatanimning aziz askar-posbonlari.

Yomonlikning ildizlari butkul so'lsin,  
Ular birla doim tinchlik zamon bo'lsin.  
Umri uzoq, metin boshi omon bo'lsin,  
O'z elining Algomishdekk o'g'lonlari,  
Vatanimning aziz askar-posbonlari.

Baxtiyor ASOMIDDINOV,  
Toshkent viloyati, Parkent tumanidagi  
39-umumta'lum maktabi o'quvchisi

## TENGDOSHLARINGIZ IJODIDAN



Shahzoda BAHODIROVA,  
7-sinf o'quvchisi



Husnora ERKINOVA,  
6-sinf o'quvchisi

## SHARAF, E'ZOZ ULARGA BO'LSIN!

Sarhadlar tinch, hurligim omon,  
Mard harbiylar hushyordir har on,  
Yerda, ko'kda tinchlik hukmron,  
Sharaf, e'zoz ularga bo'lsin!

Ular jasur, go'yo metin saf,  
Har qadami zahmat-u sharaf,  
Makkor yovni etar bartaraf,  
Sharaf, e'zoz ularga bo'lsin!

Asli Vatan sherlari ular,  
Elning botir erlari ular,  
Qadamidan chaqnaydi yerlar,  
Sharaf, e'zoz ularga bo'lsin!

Har sinovga yetar saboti,  
Ichgan onti uning hayoti,  
Yurtni asrash chin e'tiqodi,  
Sharaf, e'zoz ularga bo'lsin!

Diyora FAXRUTDINOVA,  
Toshkent shahar Mirzo Ulug'bek  
tumanidagi 241-umumta'lum maktabining  
8-sinf o'quvchisi

# QIZIQARLI TARIX



## STENOGRAFIYANI KIM IXTIRO QILGAN?

Siz xuddi gapirganingizdek tez yoza olasizmi? Hoynahoy, yo'q! Biroq shunday vaziyatlar bo'ladiki, so'zlarni talaffuz etilgan tartibda, ustiga-ustak, tez maromda yozish lozim bo'ladi. Bunday vazifani hal etish yo'llaridan biri – stenografiya tarzida yozish.

Stenografiya bu – shartli belgilari bilan tez yozish usuli. Bunda so'zlarga o'xshamaydigan belgilardan foydalilanadi. Bu yozuvni ushbu belgilari tizimi bilan tanish bo'lgan odamgina o'qiy oladi. Stenogramma yozuvda aniqlikni, taxografiya – tezlikni, braxigrafiya – qisqalikni taqozo etadi.

Stenografiyalashni zamonaviy ixtiro deb taxmin qilish mumkin, aslida esa uning yoshi 2000 yilga yaqinlashib qoldi. Qadimgi Rim zamonida notiqlar senatda katta ma'ruzalar qilishgan. Ularni tez va aniq yozib borish kerak edi. Shunday qiyin vazifani osonlashtirish maqsadida Tiro ismli rimlik kishi miloddan avvalgi 63-yilda ma'ruzalarni yozib borish uchun shartli qisqartmalar tizimini o'ylab topadi. Tizim shu qadar qulay ediki, uni Rim maktabalariada o'qitishar, imperatorlar undan foydalishardi. Shuning uchun ham bu yozuv turi bir necha asrlar davomida saqlanib qoldi.

Yozuv asosida so'zlardagi dastlabki harflar yoki so'zning oxirgi qismidagi qoshimchalarni qisqartmalardan foydalangan




holda ifodalash yotadi. Bu abbreviaturaning o'ziga xos ko'rinishi sanaladi. Abbreviaturada faqat undosh harflar qo'llanadi.

Zamonaviy stenografiya Angliyada, qirolicha Yelizaveta zamonida vujudga kelgan. Bu tizimda har bir harf 4 ta yo'nalishga ega. 1837-yilda tilshunos olim Isaak Pitman o'zining tovushlarga asoslangan, ya'ni barcha so'zlar harfma-harf talaffuz etilgani kabi emas, balki qanday eshitilganiga ko'ra yoziladigan stenografiya tizimini tavsiya qiladi. Unda 24 undoshni ifodalash uchun 26 belgi, shuningdek, unlilarni yozish uchun nuqtalar, punktlar, shtrixlar mavjud. 1888-yilda inglez olimi Gregg stenografiyalash tizimini takomillashtirdi. Aynan mana shu stenografiya usuli bugungi kunga qadar ham amal qilmoqda.

## KRIPTOGRAFIYA NIMA?

Ko'pchilik qachonlardir bir-biri bilan maxfiy xabarlar almashish tizimini yaratishni xohlagani muqarrar. Bu narsa ayniqsa bolalar orasida ko'p uchraydi. Ehtimol, ko'pchilik harflar o'rniga raqamlar ishlashini shartlashib oladi. Bunda har





bir raqam alifbening bir harfiga mos keladigan bo'ladi. Qisqacha qilib aytadigan bo'lsak, kriptografiya bu maxfiy xos raqamlardan foydalilanigan yozuvdir. Ba'zan xos raqamlarni "kod" yoki "shifr" deb nomlashadi. Yuly Sezar o'z maxfiy muktublarini raqibidan asrash maqsadida shifrlardan foydalangan. Bizning zamonamizda shifrlar va xos raqamlar ham davlat ishlarida, ham amaliy maxfiy yozishmalarda keng qo'llaniladi. Shifrlashtirishning asosan ikki usuli mavjud. Birinchisi matndagi raqamlar, harflar yoki boshqa belgilarning o'mi almashtirib qo'yilishiga asoslangan. Ikkinchisi esa matndagi harflar tartibini o'zgartirish, ularga rioya etmaslikka asoslanadi.

Bu ikkala usul asosida shifrlashtirishning bitmas-tugunmas variantlari, miqdorlarini yaratish mumkin. Birinchisi ancha-muncha oson va ko'pincha bolalar o'z o'yinlarida foydalishadi. "Kod", "kodlashtirish" so'zleri kodlashtirilgan matnni o'qish paytida xat jo'natuvchida ham, uni oluvchida ham mavjud bo'ladigan maxsus xos raqamlar jadvalidan foydalishni taqozo etadi.

Kodlar, shifrlar to'g'ridan to'g'ri deshifrlash – shifrsizlantirish tariqasida, ya'ni ularga kalitni topish yo'li bilan fosh etilishi mumkin. Biroq bu ancha murakkab ish. Kriptogrammalarni o'qishning ilmiy uslubi rivojlanishning yuqori darajasiga ko'tarilgan va u kriptoanaliz, ya'ni kriptotahlil deb ataladi. Kriptogrammalarni qilgan shaxs, qoida tariqasida, maxfiy matn qaysi tilda

tuzilganini aniqlashi lozim. Shuningdek, matn qanday maxfiylashtirilgan: kodlashtirish yoki shifrlashtirish uslubi bilanmi, buni ham farqlay olishi kerak. Shifrlar, kodlarni fosh etishda harflar tilida ko'p qo'llanadigan jadvallar zarur bo'ladi.

Muattar MELIYEVA



O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI MUDOFAA VAZIRLIGI

[www.mudofaa.uz](http://www.mudofaa.uz)

Tahririyat kengashi:  
general-major Hamdam Qarshiyev  
polkovnik Otobek Yuldashev  
polkovnik Alisher Boboxonov  
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo'yozmalar taqiz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.  
Gazeta Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – "Vatanparvar" birlashgan tahririyatinning kompyuter markazida sahilafalandi.

Bosh muharrir:  
podpolkovnik Ahror Ochilov

ISSN 2010-5541

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Telefonlar:  
kotibiyat: 71 260-36-50  
buxgalteriya: 71 260-35-20  
yuridik bo'lim: 71 260-29-41  
faks: 71 260-32-29

Navbatchi: katta leytenant Bobur Elmurodov  
Sahifalovchi: Dilnoza Meliqo'ziyeva  
Musahhib: Zebo Sariyeva

Buyurtma: F-0105  
Hajmi: 6 bosma taboq  
Bichimi: A3  
Adadi: 34 062 nusxa  
Bosishga topshirish vaqt: 14:00  
Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.  
Gazetaning poligrafik jihatdan sifatlari chop etilishiha "O'zbekiston" HMIU mas'ul.

Gazeta juma kuni chiqadi.  
Gazeta 1992-yilning 24-iyundan chiqa boshlagan.

Nashr ko'sratkichi: 114.  
Bahosi: Kelishilgan narxda.

"O'zbekiston" nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.  
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri,  
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:  
100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.

## BIR SO'Z TARIXI

### AYG'OQCHI AYTGUVCHECHI?



Tilimizda joususni ayg'oqchi deymiz. Jousus arabcha so'z, a y g ' o q c h i turkiy. "O'zbek tilining etimologik lug'ati"da ayg'oqchi so'zi "fosh qiluvchi axborot" ma'nosini bildirgan ayg'aq otidan, unga -chi qo'shimchasi qo'shilgan, deb izohlangan. "Turkiy tillar etimologik lug'ati"da ayg'oqchi so'zining o'zagi ay fe'li bo'lib, "gapir" ma'nosini anglatadi. Tilimiz tarixida aytidi so'zi aydi shaklida qo'llangan davrlar bo'lgan. Shundan kelib chiqib, aytguvchining aytuvchi shakli ham bo'lgan deyish mumkin. Alisher Navoiy ayg'oq so'zini "ayg'oq, sir boy berish" ma'nosida ishlatgan. "Nodonga so'z demak ayg'og'dur va ko'p demagi yo'rtog'dur" ("Mahbub ul-qulub" dan).

Xullas, ayg'oqchi va joususning ma'nosini bir xil. Lekin qadimgi bitiktoshlarda yana bir so'zga duch keldim. Bu so'z ayg'uchi degan so'z. Ayg'uchi shaklan ayg'oqchiga yaqin. Biroq ayg'uchi so'zi bitiktoshlarda yozuvlarga ko'ra, "maslahatchi, xoqon maslahatchisi" degan ma'noni bildiradi. To'nyuquq bitiktoshida ayg'uchisi bilga ermish, ya'ni "maslahatchisi donishmand emish" degan gap bor. Ko'rinish turibdiki, ayg'uchi so'zining ham o'zagi gapir ma'nosidagi ay so'zidir. Mantiqan o'ylab qarasak, ayg'oqchi gap yetkazadi, ayg'uchi gapini aytadi, ikkisida ham maslahat berish ma'nosida bor. Ayg'oqchi bilan ayg'uchi so'zlarining shaklan va mazmunan bunchalar yaqinligi meni shunday tusmollahsga undadi. Tilimizda "Og'iz – ayg'oq, til – tayg'oq", "Ayg'oqchiday iskalanib yuradi", kabi maqol va iboralar bor.

Eshqobil SHUKUR,  
"Boboso'z izidan"

@Vatanparvargazetasi\_bot  
"Vatanparvar" birlashgan tahririyati bilan bog'lanish uchun telegram bot



SHU SONNING  
ELEKTRON SHAKLI